



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN
SHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОЙ ГАЗЕТА

№ 48 (4550)
2019 ЙИЛ 29 НОЯБРЬ

БЕДОР СЎЗНИНГ ЎЛМАС НАФАСИ

Адабиёт ва санъат ҳамма даврларда миллий ўзлик, инсоний қадр, шахс эрки ва камол, умумбашарий гоҳларни тараннум этиши билан бирга, дунёнинг олис ва яқин минтақалари халқлари, миллатлари ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатишида муҳим ўрин тутиб келган. Ўз миллати эрки саодатини, миллий камолини, инсоният ободлиги ва ҳамжihatлигини ўйлаган улуг шоир ва ёзувчилар миллат тимсоли, фахру ифтихорига айланганлар.

“Адабиёт яшаса, миллат яшайди”. Буюк ўзбек шоири Чўлпоннинг бу даъвати ҳар бир миллат ўзлигининг шаклланиши, намоён бўлиши, унинг сақланиб, ривожланиб боришида адабиёт қанчалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Бир пайтлар атоқли кирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов идораси Тошкентда жойлашган Ўрта Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси президенти сифатида куюниб шундай деган эди: “Биз бутун маданият намоёндалари билан янги, фаол алоқаларни йўлга қўйишга уриняёмиз. Бутун ёнбошлаб ётиб ўзимизча миллий маданиятлар ўз холича гуллаб-яшнаверди, десак янглишамиз. Албатта, биз учун доимий адабий алоқалар зарур. Тан олиш керак, ҳозир аввалгидай мунтазамлик касб этган мулоқотлар йўқ. Кўйлаб ижодий уюшмаларнинг фаолияти сўнди. Ёзувчилар барча муаммолар ҳақида билишарди. Бир-бирлари билан мулоқот қиларди, бахslashларди, турли масалаларни муҳокама қиларди. Балки давр келиб, биздан кейинги авлод ўз-ўз мулоқотларининг янги кўринишларини топишарди...”

Ўзбекистондаги янги давр руҳи, шиддати, давлатимиз раҳбарининг барча соҳалар катори адабиётга, адабий алоқалар ривожига бераётган эътиборидан фахрланиб, беҳишёр машҳур адибнинг юқоридаги фикрларини эсладик. Бугунги кунда миллий адабиётимизни хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилишга, чет эл адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ўгириб ундан халқимизни баҳраманд этишга, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, юксак фазилатлар руҳида тарбиялашга, китобхонликка жуда катта аҳамият берилмоқда. Негаки, аллақачон жаҳон халқларининг

АДАБИЙ ДУСТЛИК – АБАДИЙ ДУСТЛИК

калбидан мустаҳкам жой олган, XXI асрда ўз ижоди билан инсониятни эзгулик, олижаноблик каби юксак гоҳлар асосида ҳаёт кечириниша даъват этиб келётган атоқли шоир ва ёзувчиларнинг асарлари юртимиз ва дунё халқлари ўртасидаги мавжуд маданий, маънавий кўприкларни мустаҳкамлашга хизмат этаётди.

Шу маънода Ўзбекистон ва Беларусь давлати ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янги босқичда ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида халқаро ва иқтисодий муносабатлар каторида маданиятлараро мулоқотлар, адабий робиталарни мустаҳкамлашга берилётган эътибор таҳсинга сазовордир.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг икки давлат ўртасидаги бошқа соҳалар катори адабий алоқаларни ривожлантиришга эътиборидан ҳаммамиз мамнунмиз, — дейди Беларусь Республикаси Матбуот ва ахборот вазири Аляксей Карлюкевич. — Президентимизнинг мамлакатингизга ташрифи чоғидаги олий даражадаги учрашувларда Беларусь адабиётининг таникли намоёндалари, шоир Якуб Коласнинг ўзбек тилига таржима қилинган “Қадрдон кўшиқлар” китобининг совға қилиниши, Тошкентнинг марказий хибобларидан бирида Якуб Колас биётининг ўрнатилгани, шунингдек, бу йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг Беларусга илк бора расмий ташрифи арафасида

Минек шаҳрида ўзбек адабиётининг асосчиси, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ёлгорлигининг очилиши, Беларусь давлати йўлбошчисининг Ўзбекистон раҳбарига Иккинчи жаҳон урушида Беларусь тупроғини озод қилишда иштирок этган Ўзбекистонлик жангчиларнинг жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи “Галаба ҳамма учун бир: Беларусь – Ўзбекистон” номли китобни ҳадя қилиши нафақат икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янги босқичга кўтарилишида, балки ўзбек ва Беларусь халқларининг бир-бирларига меҳр ва эзгулик ришталари ила боғланишида муҳим омил бўлди.



Қор ёғар — осмонда окқушлар учар,
Қор ёғар — осмондан ок уқпар тушар.
Қор ёғар еру фаолакни тўлдириб,
Бизлар эрсак иссиқ уйда ўлтириб,
Тарк этолмай халқимизнинг одатин

Ёзамиз дўстларга дўстлик қорхатин.
Қорхат асли қордай оппоқ дил хати,
Оқ кўнгилнинг меҳри, тафти, хурмати.
Ошинолик, чин вафо ихзори ул,
Гоҳи пинҳон севгининг иқрори ул...

ФАРҒОНАДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Фарғона вилоятида ҳар йили адабиёт кунларини ўтказиш қутлуғ анъанага айланган. Бу анъана Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллиғини нишонлаш тўғрисидаги қарори билан 2016 йилнинг декабрь ойидан бошлаб мунтазам йўлга қўйилди. Устоз Эркин Воҳидов таваллуд айёмида мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларидан келган олтмишдан зиёд ижодкорлар икки кун давомида водий аҳлининг адабиётга бўлган муҳаббатини чин қалбдан ҳис этишган эди.

Байрам тантаналарининг яна бир унутилмас тарихий воқеаси — 2016 йил 23 декабрь куни шоир туғилиб — ўсган қишлоқ — Олтиариқ тумани Беғлар маҳалласи, Тошкўрғон кўчаси, 9-ҳонада “Эркин Воҳидов уй-музеи” ва Марғилон шаҳрида шоир номидаги Маданият ва истироҳат боғининг очилиш маросимлари бўлиб, Қўқон, Фарғона ва Марғилон шаҳарларида адабий учрашувлар кўтаринки руҳда ўтказилган эди. Кейинги йилларда устоз адиб ҳаёти ва ижодида бўлган эътибор янада кучайиб, Президентимиз ташаббуси билан Эркин Воҳидов номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳудудида шоир хайкали тикланди ҳамда унинг номидаги Ижод мактаби ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда адабиёт кунлари доирасида шу муборак заминда таваллуд топган Амирийнинг 230, Ҳазинийнинг 150, Абдулла Қаҳҳорнинг 110, Худойбер-

ди Тўхтабоевнинг 85, Йўлдош Сулаймоннинг 80, Анвар Обиджоннинг 70 йилликларига бағишланган илмий анжуманлар, учрашувлар, бадний кечалар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Бу йил ҳам 25-26 ноябрда бўлган адабиёт кунлари доирасида ўзбек мумтоз адабиёти намоёндалари — Жаҳон отин Увайсий таваллудининг 240 йиллиги, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 83 йиллиги, таникли ёзувчи ва публицист Анвар Муқимов таваллудининг 90 йиллиғига бағишланган унутилмас тадбирлар бўлиб ўтди. Пойтахтдан ва вилоятлардан Фарғонага келган йигирмадан ортиқ таникли ижодкорлар ва Эркин Воҳидовнинг оила аъзолари иштирокидаги тадбирлар қадимий ва навқирон Марғилон шаҳрида жойлашган Жаҳон отин Увайсий уй-музеида Адабиёт байрамининг очилиши билан бошланди.

Шоира таваллудининг 240 йиллиғи-

га бағишланган илмий-адабий анжуман, унинг ғазаллари билан айтиладиган кўшиқлар, маҳалла фаоллари, зиёлилар, Увайсий авлодлари иштирокидаги мушоира, адабий суҳбатлардан иборат тадбирлар барчада ёрқин таассурот қолдирди.

Адабиёт кунлари Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов хайкали пойига гуллар қўйиб, Фарғона шаҳридаги Ислам Каримов номидаги театр-концерт саройида шоир таваллудининг 83 йиллиғига бағишланган илмий-адабий анжуман билан давом этди. Барча тадбирларга устоз шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар, сахна кўринишлари, адабиётшунос олимлар ва шоирларнинг чиқишлари ўзгача файз бағишлади.

Бағдод туманидаги 16-музыка ва санъат мактабида таникли ёзувчи ва публицист Анвар Муқимов таваллудининг 90 йиллиғига бағишланган адабий учрашув ҳамда унинг “Тавланган асарлар” китобининг тақдими бўлиб ўтди.

— Адабиёт байрамида кенг жамоатчилик вакиллари, маҳалладошлар, зиёлилар, барча катта-кичикнинг фаол иштироки ижодкорлар ва олимларга кўтаринки руҳ бағишлади, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон. — Фарғоналиклар Адабиёт кунларини интизорлик билан кутгани яққол сезилиб турди.

Фарғона шоирлар ва санъаткорлар юрти. Шу боисдан ҳам ҳар бир тадбир бетакрор, ҳаяжонли, мазмунли бўлиб, икки кунлик адабиёт байрами бир лаҳзадай кечди.

Хумоюн АКБАРОВ



ИБРАТУ ЭЪТИРОФИ ЗИЁДА

Мақтаб — бу ҳаёт-мамонт масаласи, келажак масаласи!

Мухтарам Президентимизнинг даъватлари ҳаёт қақриғига айланиб, юракларда акс-садо бераётган бу сўзлари эл-юрт орзу-умидлари билан ҳамоҳандир. 2019 йилнинг 26 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев «Замонавий мактабларни ташкил этиши чора-тадбирлари тўғрисида» қарорини имзолади.

Мамлакатимиз раҳбари ўқувчи-ёшларнинг сифатли таълим-тарбияси учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида халқаро талабларга мувофиқ илгор архитектура ечимлари ва энергия тежасидан технологиялар асосида қурилиб ташкилланган «Замонавий мактабларни ташкил этишини таъминлаш»

Фарзандларимизни маънавий етуқ, ҳар жиҳатдан баркамол, Ўзбекистонимиз байроғининг жаҳон минбарларида баланд тутадиган, Ватанга муҳаббатли, халқига садоқатли, илму иймони билан дунёни ҳайратга солган аждодларимизга муносиб ворислар бўлиб вояга етишларида ўқитувчиларнинг олоҳида хизмати борлиги эътироф қилинмоқда. Уларнинг кадр-қиммати-ни, касбидан манфаатдорлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратилаётди. Чиндан ҳам мамлакатимизда таълим соҳасида ўқувчи-болаларни ўз фарзандидай яхши кўрадиган, меҳрибон устозлар кўп.

Шу ўринда мисол тариқида айтишим жоиз, бир устозни йигирма беш-ўттиз йилдан бери танийман. Унинг ўзига ҳослиги шундаки, бу устоз ўқувчиларига нафақат таълим беради, балки улар билан дўст ҳам бўла олади: боланинг, ўсмирининг калбига кириб, ўргатаётган фанини заррама-

зарра сингдиради, эзгу, хайрли ҳаракатлари билан, аввало, ўзи ўрнак бўлади.

Устознинг уддабуронлиги, фидокорлиги, ташаббускорлиги, касбига садоқатию янгиликка ўчлиги сабабли кўп ўтмай уни мактаб раҳбарлигига тайинлашди. Дастлаб баркамол илм олишлари учун ўқувчиларга раҳбар-директордан кўра, бу кишидек устозлар жуда керак-ку, деган фикр кўнглимдан ўтди. Бирок тез орада янги раҳбар кўл остига илмий, салоҳиятли ўқитувчиларни йиға бошлади, таълим даргоҳида билимдон устозлар жамоасини шакллантирди. Биргалишиб мактабни шахару вилоятда, ҳатто республика миқёсида ҳам юқори рейтинг кўрсаткичли мактабга айлантирди. Мактаб энди 11-давлат ихтисослашган умумий ўрта таълим мактаби номи билан фаолият юрита бошлади.



ФАХР

Манзилга етгайдир эллар бирлашиб,
Дарёга айлангай селлар бирлашиб,
Мустаҳкам тоғ бўлар диллар бирлашиб,
Ташвиш битар тугал бўлса тўртовлон,
Эй, азиз Турон эл, эй, азиз Турон.

Мана, фарзандларинг химматли, ахдли,
Замон-ла ҳамнафас шиддатли, шахдли,
Пок эътиқод билан шавкатли, бахтли,
Ҳар қизинг малика, ҳар ўғлинг султон,
Эй, азиз Турон эл, эй, азиз Турон.

Ҳамиша насиба одилга нусрат,
Дилларда ифтихор, шижоат-ғайрат,
Инжа дийдорлардан нурли башорат,
Сенга насиб бўлгай доим шараф, шон,
Эй, азиз Турон эл, эй, азиз Турон.

Ғайрат МАЖИД

ЭЙ, АЗИЗ ТУРОН

Иймондек қувватли илдининг, сенинг,
Ҳеч сўнмас, чароғон юлдузинг, сенинг,
Ҳамиша халолдир пон-тузинг, сенинг,
Тарихинг, бугунинг буюк бегумон,
Эй, азиз Турон эл, эй, азиз Турон.

Эл сўраб, юрт тузиб ўтган боболар,
Кўнгиллар шарҳини битган боболар,
Дасти фалакларга етган боболар,
Уларнинг ҳар бири бир олам, жаҳон,
Эй, азиз Турон эл, эй, азиз Турон.

Сўз айтсам, юракнинг қутлуғ номидан,
Навоий навоси, ҳазрат Жомийдан,
Тўктағул, Абайнинг пок пайғомидан,
Ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожигу туркмон,
Эй, азиз Турон эл, эй, азиз Турон.

Сино сабоғидан танлар саломат,
Махтумқули сўзи дилларга неъмат,
Ҳақ ёр дилда айлар нур истиқомат,
Бародар, бовурим, дўсту кадрдон,
Эй, азиз Турон эл, эй, азиз Турон.

АТОҚЛИ АДИБЛАР ХОТИРАСИ

Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби Носир Фозил таваллудининг 90 йиллиғи ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсат-

ган маданият ходими, таникли болалар шоири Туреунбой Адашбоев таваллудининг 80 йиллиғига бағишланган хотира кечаси ўтказилди. Унда Қозғистон ва Қирғизистон Республикаларидан келган бир гуруҳ маданият ва маърифат вакиллари, уюшма аъзолари, ёш ижодкорлар иштирок этди.

Ёзувчи Носир Фозил адабиётимизга ўтган асрининг элдининчи йиллари иккинчи ярмида кириб келган эди. Унинг етмишдан

зиёд китоби чоп этилган. Булар орасида ўттизга яқини оригинал асарлар, қолганлари таржима китоблардир. Носир Фозилнинг таржима сифатидаги самарали ижоди давомида Абай, Мухтор Авезов, Собит Муқоман маданият ходими, таникли болалар шоири Туреунбой Адашбоев таваллудининг 80 йиллиғига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

Унда Қозғистон ва Қирғизистон Республикаларидан келган бир гуруҳ маданият ва маърифат вакиллари, уюшма аъзолари, ёш ижодкорлар иштирок этди. Ёзувчи Носир Фозил адабиётимизга ўтган асрининг элдининчи йиллари иккинчи ярмида кириб келган эди. Унинг етмишдан

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН



БЕДОР СЎЗНИНГ ЎЛМАС НАФАСИ

Бошланиши 1-саҳифада

Ҳа, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Адабий дўстлик — абадий дўстлик” сари ташланган музаффар қадамдир. Ўзбек адаблари, китобхон халқимиз беларус халқининг тарихи, улуг маданияти ва адабиётининг қатъи ҳурмат билан қарайди. Беларусларнинг ҳам ўзбек халқининг қадимий ва бой маънавий мероси, замонавий адабиётининг қизиқишлари ортбор рағбат. Иккинчи жаҳон уруши даврида кўплаб беларус зиёлилари, олимлар, ижодкорлар, расомлар Ўзбекистонда истикомат қилишди, ўзбек шоир ва ёзувчилари билан ижодий ҳамкорликда бўлишди.

Тарихга назар ташласак, кўплаб ёрқин миқдорларда бунинг исботини кўраемиз. Икки мамлакат адаблари ўртасидаги адабий алоқаларга салкам юз йиллар муқаддам тамал тоши қўйилган. Беларус халқ шоири, академик Янка Купала ижодига қизиқиш Ўзбекистонда 1930-йилларда бошланган. 1932 йили Ўзбекистонда меҳмон бўлган беларус ёзувчилари Петро Глебка, Илларион Барашка ва Микола Хведорович Янка Купала ижоди ҳақида ўзбек адабий жамоатчилигига янада кенг маълумотлар берганди. Беларус адаблари Тошкент билан бирга Бухоро, Самарканд, Фарғона, Кўкон шаҳарларида бўлишди. Ана шу сафар давомида Микола Хведорович “Ўзбекистонга” номли шеърини ёзди.

— Уруш йиллари Тошкентда яшаган Якуб Колас беларуслар учун қанчалар қалри бўлса, ўзбеклар учун ҳам шунчалар ардоқлидир, — дейди академик шоиримиз Гафур Гуломнинг кизи, таниқли адиба Олмос. — Халқимиз Якуб Коласни ўзининг қадридан шоир деб билади. Негаки, у Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Зулфия, Миртемир каби ўзбек шоирлари билан яқин дўст эди ва улар қаторида ўзбек ва беларус адабиёти ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга қатъи ҳисса қўшди.

Дарҳақиқат, Якуб Колас ижодида Ўзбекистон мавзуси алоҳида ўрин тутди. Шоир юртимизга бағишланган шеърларидан бирида тўрт фаслда ҳам оппоқ нурларга бурканган Чимён тоғларини, офтобда товланаётган Ўзбекистон боғларини ўзгача завқ ва меҳр билан тараннум этади:

**Ёдда бўлур соқин ором,
Оппоқ қорли, гўзал Чимён.
Сен ўзингга қилдингн ром,
Эй, тоғ юрти Ўзбекистон!**

Беларус халқ шоири Якуб Коласнинг энг гўзал асарлари, “Ўрмонда суд” (1943), “Касос” (1943) каби достонлари ҳам Тошкентда ёзилган. Унинг “Танланган асарлар”и 1943 йили ўзбек тилида нашр этилди. Адабиётшунос олим Степан Лиходневский ўзбек адабиёти намуналарини рус ва беларус тилларига таржима қилди. Уруш йилларида машҳур адиба Эди Огнецвет ҳам юртимиздан паноҳ топди. Унинг шеърӣ тўпламлари 1942–1946-йиллар оралиғида Тошкентда чоп этилди. 1942 йили Янка Купала асарларидан ўзбек тилига қилинган дастлабки таржималар босилди, “Беларус партизанлари-га” номли шеъри машҳур бўлди.

Беларус ёзувчи ва таржимонлари ҳам ўз-

бек адабиётини кунт билан ўрганишди, ўзбек адаблари асарларини беларус ўқувчиларига етказишда фидойилик қилишди. 1946 йили “Чирвоная змена” газетаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбекнинг “Навоий” романи ҳақида мақола босади. 1948 йили ушбу давлатнинг иккита етакчи газетасида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалар чоп этилди. 1959 йили Минскда ўзбек халқ эртақлари нашр этилди. 1966 йили таниқли беларус ёзувчиси Алексей Кулаковский “Ўзбек хикоялари” тўпламини тузди, шу йили ўзбек шоирлари шеърларидан сараланган “Солнце в арках” номли китоб беларус ўқувчилари қўлига етиб борди. 1967 йили Минскда Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг “Лирика” номли шеърӣ тўплами Эди Огнецветнинг кириш сўзи билан нашр қилинди. Ўша йиллари биргина шоира Зулфиянинг ўзи Янка Купала, Эди Огнецвет, Максим Танк шеърларини ўзбек тилига ўттирди, Янка Купала ижоди ҳақида мақолалар ёзди. 1981 йилда “Гулистон” журналида Янка Купаланинг машҳур “Ким келяпти?” шеъри босилди.

Ўзбек таржимонлари Владимир Корбан масаллари, Кастюся Киреевко, Владимир Короткевич, Ригор Бородунди, Павел Ковалёв шеърларини ҳам ўзбек тилига ўттирдилар. 1985 йилда беларус тилида Зулфиянинг “Менинг юрагим шундай” номли шеърӣ тўплами чоп этилди.

Беларуслар ҳам ўзбеклар каби китобхон, китобсевар халқдир. Иккинчи жаҳон урушида бошига энг қўп қулфат тушган мамлакатлардан бири беларус диёри ҳисобланади. Урушда мамлакатнинг кутубхона тизими йўқ қилинди, 10 миллион нусхадан иборат китоб фонди талон-тарож бўлди. Биргина Беларус давлат кутубхонаси 1,5 миллион жилдан зиёд китобдан айрилди, улар орасида қадимий кўлёмалар, нодир китоблар бўлиб, шуларнинг 1 миллионга яқини ҳалигача топилмаган. Шу боисданми, бу ўлкада китобга муносабат бошқача. Беларус Миллий китоб палатасининг маълумотларича, ўтган 2018 йилда мамлакатда 9665 номда китоб нашр этилган, уларнинг умумий адади 25,5 миллиондан ошди.

Жорий йилда Беларуснинг “Даля гляди” нашрида Чўлпон, Эркин Вохидов, Мухаммад Али ва Сирожиддин Саййид шеърлари таржимаси босилди. Шунингдек, бу йил беларус нашрларига Усмон Азим, Абдулла Шер, Азим Сунон, Зулфия Мўминова, Фарид Афруз, Зебо Мирзо, Икром Искандар, Даврон Ражаб, Ойдинниси каби кўплаб истеъдодли шоирларнинг шеърлари тавсия этилди. “Созвучие” альманахи, “Даля гляди” йиллик тўпламларида бир гуруҳ ўзбек шоир ва ёзувчилари, жумладан, ёш шоирлар Жўрабек Жаҳон, Бобур Элмурод, Мирзохид Музаффар, Нозима Ҳабибуллаева, Рустам Мирвоҳид, Анна Бубнова шеърлари беларус тилига таржима қилиб босилмоқда.

Яқинда “Бярозка” болалар журналы бош муҳаррири Кацярина Каплундан ижодий ҳамкорлик ҳақида тақлиф келди. Унда ушбу журналда чоп этилган хикоя ва шеърлардан наму-

наларни таржима қилиб, Ўзбекистондаги болалар нашрларида босиб, ўзбек болалар адабиёти намуналарини эса беларус тилида чоп этиш назарда тутилган. Шу ўринда таниқли беларус болалар ёзувчиси Алесь Карлюкевичнинг “Шубуршун ва унинг дўстлари” номли саргузашт эртақ-киссасининг ўзбек тилида чоп этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Кувонарли жиҳатлардан яна бири шуки, беларус ва ўзбек адабиёти ўртасидаги дўстона муносабатлар нафақат таржима жараёнлари, балки ўзаро мулоқотлар, ижодий сафарлар асосида ҳам ривожланиб бормоқда. Ўтган 2018 йилда Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбек мумтоз

да янги жанр ва услубларнинг пайдо бўлиши билан ажралиб туради. Булар ҳақида ўйланганда беҳттиёр машҳур беларус шоири, академик Якуб Коласнинг куйидаги сўзлари ёдга келади: “Инсон учун Ватандек муқаддас ва гўзал неъмат йўқ. Ватансиз инсон энг йўқсиз кимсидир. Биз ҳаминша бахтли бўлишга интиламиз, ана шу маънода мен қачон бахтли бўлишим мумкин, қачонки атрофимдаги барча ўзини бахтли деб билса. Бу дунёда йўллар қўп, буларнинг ичидаги энг яхшиси ўзинг танлаган йўлдан юришингдир. Аммо бир нарса доимо ёдингизда бўлсин, доимо ўзлигингизни англаган ҳолда олға юринг!”

Яқин жигарлардай бағрингга босдинг,
Сен менинг эзилган қондошларимни.


Шифобахш тўлкилар хотирасидек,
Дўстлиқни қўлади меҳр қалами.
Алангади шеърлар, газаб-ла қайнаб,
Ёвларга сочилди Колас алами.

Бу шеърлар урушнинг ёвуз қўқсини —
Жаҳолат лошини ўқ каби тешган.
Қанча қурбонларнинг бунда қони бор,
Биз учун муқаддас бу галаба — шаън.

Гарчи йиллар ўтар замонлар оша,
Уруш жароҳати, огриги битмас.
Миллионлаб қалбларга инган дардларини,
Замин ёмғирлари ювиб кетолмас.

Ўйга чўмиб турар Колас сиймоси,
Юксак Чимён сари бокқандай кўзи.
Тошкентлик ёшларнинг меҳрини туйиб,
Ёришиб кетгандай шоирнинг юзи.

Энди миңжасида кўз ёш изи йўқ,
Яна қайтиб келди бу азиз меҳмон.
Ёруғ меҳринг учун олис диёрдан,
Салом дейман сенга, жон Ўзбекистон!



Суратда: Минск шаҳри манзараси.

ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш масалалари” халқаро анжуманида беларуслик шоир ва таржимон Ганад Чарказяннинг иштироки, ўша йили кузда Иваново шаҳрида бўлиб ўтган “Беларус ёзуви” кунларида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг иштирок этгани, жорий йил февралда Минск шаҳрида бўлиб ўтган “Ёзувчи ва замон” V халқаро форумида “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибоев ва Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси қалқаро алоқалар ва бадий таржима бўлими ходими, ёзувчи Рисолат Ҳайдароваларнинг катнашгани икки томонлама адабий алоқаларнинг янада ривожланиб бораётганини далиллади.

Ҳар йили сентябрь ойида бу гўзал диёрда “Беларус ёзуви кўни” адабиёт ва маънавият байрами сифатида кенг нишонланади. Ушбу тантана муносабати билан ҳар йили мамлакатнинг бир шаҳри “Беларус тили маркази”га айланади. Байрам тадбирлари эстафета шаклида бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ўтиб боради.

XX аср беларус адабиёти учун чинакам маънода миллий ўзлиқни англаш, янги фаол адабий жараёнларнинг бошланиши, адабиёт-

Минск шаҳрида улуг мутафаккир Алишер Навоий бости ўрнатилган кунлар башариёт нафақат ўз халқи, балки дунё ахлига яхшилик ва эзгулик соғинган улуг диллар хамиша эҳтиром ва эъзоз қуршовида бўлишини яна бир қарра хис этган бўлса, ажабмас. Гўёки буюк бобомиз олис беларус заминидан туриб оламга эзгу хитоб қиларди:

**Олам ахли билингизким,
Иш эмас душманлиғ,
Ёр бўлинг бир-бирингизгаким,**

эрур ёрлинг иш.
Тошкентдаги Якуб Колас бости ўрнатилган майдонда шоир даҳосига эҳтиром келтирар эканман, унинг нигоҳидан ушбу ҳароратли сўзларини укхандай бўламан: “Меҳринг бердинг нурга қоплаб, эй, жигарим, Ўзбекистон!”

Таниқли беларус шоири Микола Метлицкийнинг “Ўзбекистон” шеъри гўё Якуб Колас юрағидаги она заминимизга бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтиромнинг янги нафасда жаранглашадй эшитилади:

**Сенга салом йўлдаиман, эй Ўзбекистон,
Бағрикенг, муҳаббат, меҳр диёри!
Юртимни фашистлар топтаган пайтда,
Замин жароҳатдан титраган пайтда,**

Минхожиддин МИРЗО

ИБРАТУ ЭЪТИРОФИ ЗИЁДА

Бошланиши 1-саҳифада

Мазкур таълим ўчоғида бугун сараланган, шунга мувофиқ устама ойлик олади-ган устозлар ҳам фаолият кўрсатади: 195 нафар ўқитувчи таълим-тарбия иши билан машғул бўлса, 17 нафарининг илгор иш тажрибаси республика миқёсида оммалаштирилган. Бундан ташқари, жамоада Давлат мукофоти совриндорлари, “Халқ таълими аълочи”лари, республика, вилоят миқёсида ўтказилган танловларнинг нуфузли ўқув юргларида малака ошириб келганлар бор. Энг асосийси, бу даргоҳдаги ҳеч қандай унвонсиз, дипломсиз, кўри-ниб-кўринмай, кўзларга ташланмай юрган педагогларнинг ҳам билиму салоҳияти бошқа мактаблар устозлариникидан зиёдароқдай туюлади.

Яқинда гап мавридада директорга: “Ҳар жиҳатдан эътирофга лойиқ ўқитувчиларингиз ҳақида гапириб берсангиз”, дея мурожаат қилганимизда у киши шундай жавоб берди:

— Хабарингиз бор, 23 августда мухтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев расислиғида халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари ўқитувчилар давримизнинг қаҳрамонлари, дея жуда оқилона ва одилона баҳо бердилар. Мен мактабимиздаги ҳар бир ўқитувчини ақидан билганим, уларнинг захматли меҳнатларини фидокорликларига бевосита гувоҳ бўлганим боис ҳар қайсисини Президентимизнинг ўша

юксак баҳолагани жуда муносиб, деб ҳисоблайман. Аслида, мамлакатимиздаги ҳар бир фидойи ўқитувчи ана шундай баҳога лойиқдир.

Мазкур ихтисослашган мактабда бугун 2302 нафар ўқувчи таълим олади. Уларга мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини ўзида мужассам этган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган улугвор максдаларга мувофиқ билим-тарбия берилмоқдаки, ўқувчилар бу фидокорликни ўз ютуқларида яққол кўрсатишарти. Масалан, жорий йилда 9-синф ўқувчиси Даврон Рўзимуродов анъанавий каратэ-до бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида фахрли 1-ўринни олган бўлса, республика миқёсида бўлиб ўтган Инновацион ишланмаларни жорий этиш илмий-амалий марказининг “Робо-футбол” йўналиши бўйича ташкил қилган танловда 8-синф ўқувчиси Рашидов 2-ўринни эгаллади. Мактабнинг 3-синф ўқувчиси Шерали Равшанов эса 2019 йилнинг ўзида мамлакат ва халқаро миқёсда шахмат бўйича бўлиб ўтган учта нуфузли танловда қатнашиб, ҳар гал 1-ўринни қўлга киритди. Шунингдек, 3-синф ўқувчиси Азизбек Акрамов Туркия пойтахти Анкара шаҳрида эркин кураш бўйича бўлиб ўтган халқаро мусобақада иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгаллади.


— Лекин барибир мени шахс сифатида камолга етказган, иккинчи она юртимга айланган Навоий шаҳри ва Навоий вилоятини жуда яхши кўраман, — дейди у. — Бизга эзгу ишларни амалга оширишимиз учун шарт-шароит, имкониятлар яратиб берган онажон Ўзбекистонимиз олдида барчамиз бурчдоримиз. Онаман, аёлман, ташаббуслари хамиша қўллаб-қувватланган раҳбарман, энг муҳими, Юртбошимиз кадр-кимматини ҳар лаҳзада кўтариб, мамлакатнинг келажаги ишониб топширилган ўқитувчилардан бириман! Бундан ортик бахт борми?!

Ҳа, касбига фидойиликнинг маънисини ана шундай изоҳлаб, ибратли, эътирофли фаолияти билан ўқувчилар ва ота-оналар меҳрини, эл ишончини қозонган Гулно-ра Жуманиёзова ва унинг сафдошлари, умуман, соҳада фидокорлик билан хизмат қилаётган устозлар бор экан, таълим тизимида юксалиш бўлавереди, келажақ авлод ишончли кўларда тарбия топавереди, дейишга асосимиз бор.

Салима УМАРОВА

Навоий вилояти

АТОҚЛИ АДИБЛАР ХОТИРАСИ



Бошланиши 1-саҳифада

Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ва академик Наим Каримов ёзувчининг самарали фаолияти ҳақида айтиб ўтишди. Жумладан, 1985 йили «Шум боланинг набиралари» китоби учун Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Гафур Гулом номидаги, 1986 йили эса қозоқ адабиётидан қилган таржималари учун Қозоғистон ёзувчилар уюшмасининг Байимбет Майлин номидаги, «Устозлар даврасида» асари учун эса Ҳамза номидаги Давлат мукофотлари берилгани, 1990 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» унвонига сазовор бўлгани, 1999 йили “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотлангани ёдга олинди.

Атоқли шоир Турсунбой Адашбоев ўзининг серкира ижоди билан болалар адабиётининг ривожига муносиб ҳисса қўшди. У таржимон сифатида ҳам қатор асарларни жажжи китобхоналарга тақдим этди. Темиркул Уметалиевнинг “Тўғрай

навоси”, Сунонбой Эралиевнинг “Тоғлар фарзандиман”, Совронбой Жусуевнинг “Довон”, “Қанот билан Зарина”, Муса Жонғозиевнинг “Кувончбекнинг қувончи” каби асарлари таржимаси шулар сирасидан.

— Турсунбой ака моҳир таржимон сифатида ўзига хос эди, — деди педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев. — У жаҳон болалар шеърятининг кўплаб етакчи намоёндаларининг шеърӣ асарларини ўзбек тилига таржима қилиб, уларни ўзбек болалари муқдига айлантди.



Хотира кечасида сўзга чиққанлар Турсунбой Адашбоев шеърларининг қаҳрамонлари қувнок, топқир, хаёлчан, меҳнатқаш, серзавқ ва ақлли болалар эканини эътироф этишди, кичикинтойларга қисқа ва лўнда ёзиш, қиссадан ҳисса чиқариш шоир ижодининг муҳим фазилатларидан биридир, дея таъкидлашди.

КЎЗУ КЎНГЛУМ ЗИЁСИ, МОҲИ ТЮБОНИМНИ СОҒИНДИМ


Увайсий шеърятинида инсон маънавиятининг бузғунги кунда ҳам ниҳоятда долзарб бўлган умумбашарий муаммолари ёритилган. У XVIII аср охири – XIX аср бошларидаёқ (1780-1845) ўзбек аёлининг дунёқарши, маънавияти, ҳақ-ҳуқуқлари, жамиятда тутган ўрни, оналик бахти ва машаққатлари ҳақида бонг урган.

Булар лирик қаҳрамоннинг ишққа муносабатида, оламни фалсафий идрок қилишида, атроф-муҳитни бадиий тимсоллаштиришида яққол намоён бўлади. Шоира лирик қаҳрамон атрофи, инсонларни Шарқ аёлига хос синчков нигоҳ билан кузатади. Рухига уйғоқлик бахши этувчи оламнинг ёруғ ранглари тез илгайди, баъзан гофиллик ва жаҳолат белгиларини кўриб оғинади. Меҳр-оқибат, ҳалоллик, адолат, иймон каби эзгу фазилатларни соғиниб изтироб чекади.

Увайсий шеърятининг бошқа ижодкорлар асарларидан фарқли томонлари кўп. Жумладан, ҳар бир шеъри чуқур, ички бир тўфон, тугён билан йўғирилади. Ана шу ботиний жозиба лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ифодалашда ноанъанавий табиҳеҳлар, шарҳлар ва тимсолларни қўллашга сабаб бўлади.

Увайсий асарлари ҳаммаша инсониятга кўмак берувчи, тўғри йўл кўрсатувчи маънавият сарҳашмаларидир. Увайсий сингари аждодларимиз томонидан бунёд этилган маънавиятни англаш, уни руҳиятимизда уйғотиш ва улғайтириш бурчимиздир.

Иқболлой АДIZОВА,
филология фанлари номзоди



Жаҳод отин УВАЙСИЙ

Соғинди

Бугун, эй дўстлар, фарзанди жонимни соғиндим,
Гадо бўлсам, не айб, ул шохи давронимни соғиндим.

Мусофирман, ғарибман, бекасу ҳам бенаводурман,
Вужудим дардга тўлди, эмди дармонимни соғиндим.

Тилимнинг зикрию кўнглимнинг фикри, яхши фарзандим,
Азизим, ёлғузим, давлатли султонимни соғиндим.

Кеча-қундуз йўлига мунтазирдурман, тикарман кўз,
Келиб холим сўрубон кетса, меҳмонимни соғиндим.

Насибин узмади Тангрим, иложин топмағай келса,
Онам деб бўлгуси бағри кизил, конимни соғиндим.

Коронгу бўлди олам кўзима ушбу жудоликдин,
Кўзу кўнглум зиёси, моҳи тобонимни соғиндим.

Мени бекас Увайсий йиғлағайман ўзи шаб тинмай,
Уйимнинг зийнати, кўз равшани, хонимни соғиндим.

Мендин ўрганди

Ки булбул нола, афгон айламакни мендин ўрганди,
Вужудин шамъи сўзон айламакни мендин ўрганди.

Бориб шаҳрога, қон бағримдин изҳор айладим бир кун,
Фалак бағрин қизил қон айламакни мендин ўрганди.

Шафқ хун бўлгуси, дил, ёр меҳри гар ниҳон бўлса,
Само гулгун домон айламакни мендин ўрганди.

Анвар МУҚИМОВ



“Анвар Муқимов сиймосида икки шиддатли истаҳдди кўргандай бўламан. Бири қайтмас, жасоратли журналист, яна бири истеъдодли ҳажвчи-ёзувчи! Ҳар икки соҳада ҳам Анвар Муқимов мукамал эди!” – деб ёзади устоз, Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳаким.

Қалами ўтқир ёзувчининг “Пинҳона жанг қиссаси”, “Биз бир ёндан, сиз бир ёндан”, “Кўқон шамол”, “Чуқур текшириш” каби китоблари ҳамон мухлислар қўлидан тушмайди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур ҳажвия ҳам ҳамон долзарблигини йўқотмаган ва сизга манзур бўлади, деган умидимиз.

«ПРИЧЁСКА»СИ ҚАНАҚА?

Ўқитувчилар куни арафаси эди. Туман газетасининг фотомухбири халқ маорифи бўлими мудирининг хонасига ишгичка мўйловли йиғитни бошлаб кирди. Йиғит телестудиядан бўлиб, бу ерга илғор ўқитувчи ҳақида телерепортаж тайёрлаш мақсадида келган экан.

– Жуда соз, – деди мудир мамнун бўлиб. – Хўш?

– Бузга ўз синфи ёки фани бўйича ўқувчилари тўлик ўзлаштираётган ўқитувчи керак, – деди фотомухбир. – Туманда шунақа ўқитувчи топиларми?..

– Мудир ҳузур қилиб илжайди. – Топилади, уч юзтача бор... – Учи юзта? Жуда кўп-ку, а? – деди репортёр ва бир он ўйлаб олди. – Уларнинг ичидан энг сараси, яъни фақат «5» ва «4» баҳолашга ўқитаятгани борми?

– Бор. Ўн битта бор. – Бор. Ўн битта бор. – ИХ-им, – репортёр лабини тишлаб, ўйлаб қолди, – нукул «5»га ўқитаятганлари йўқми?

– Унақаси ҳам бор: иккита. Репортёрга жон кирди.

– Яхши, – деди. – Шу иккитадан биттасини танланг. Аёллардан бўлсин.

– Яхши. У ҳолда Анзират Солиевани оламиз.

– Аммо, – таъкидлади репортёр, – педстажи кирк йилдан кам бўлмасин.

– Кирк йил?! Анзират опанинг стажи кирк йилга етмайди-ку, – Бор-йўғи ўт-рак-сарак қилди. Мудир фотомухбирга боксан эди, у ҳам шеригининг ҳаракатини такрорлади. Мудир Анзират опани аста ташқарига бошлади.

– Ийўк, эркак керак эмас, – эътироз билдирди репортёр. – Майли, ўша Анзират деганининг сини сўймак қила қоламиз бўлмаса. Стажи «кирк йилга яқин» деб юборармиз.

– Шу ерга келсинми? – сўради мудир. – Ёки мактабга бора қоламизми?

– Репортёр фотомухбирга қараб олиб, жавоб қилди. – Ҳар ҳолда аввал ўзини кўрганимиз маъқулдир. Айтмоқчи, причёскаси қанақа?

– Бу гапни мудир ҳазил гумон қилиб қолди. – Келганда кўрасиз, – деди. – Жуда аўшар. Мудир Анзират Солиеванига жумла юборди. Дам ўтмай эшик секин очилиб, остонада қорачанга пайдо бўлди, озғин, лекин истараси исдикна аёл келди.

– Мудир жойидан сакраб туриб, муаллимага пешвоз чиқди ва қуюқ сўради. Сўнг унинг кафтидан аста тутди-да, меҳмонларга юзлашди. – Мана, опа, – деди гурур билан. – Ўттиз уч йил ичидан минглаб ўғил-қизимизга илк бор ҳарф таълимни, тўрт йилдан бери ўз ўқувчиларини нукул «5»га ўқитиб келаётган бошланғич таълим устаси Анзират опа Солиева!

– Меҳмонлар Анзират опага совуқина қилиб, «Яхшимиз?» дейишди негадир жимиб қолишди. Мудир хайрон бўлиб, кўзларини катта очди. Хавотир билан Анзират опага қаради, кейин меҳмонларга тикилди. Репортёр лабини қимтиб «шунақа гаплар» дегандек, бошини са-

рак-сарак қилди. Мудир фотомухбирга боксан эди, у ҳам шеригининг ҳаракатини такрорлади. Мудир Анзират опани аста ташқарига бошлади.

– Ийўк, эркак керак эмас, – эътироз билдирди репортёр. – Майли, ўша Анзират деганининг сини сўймак қила қоламиз бўлмаса. Стажи «кирк йилга яқин» деб юборармиз.

– Шу ерга келсинми? – сўради мудир. – Ёки мактабга бора қоламизми?

– Репортёр фотомухбирга қараб олиб, жавоб қилди. – Ҳар ҳолда аввал ўзини кўрганимиз маъқулдир. Айтмоқчи, причёскаси қанақа?

– Бу гапни мудир ҳазил гумон қилиб қолди. – Келганда кўрасиз, – деди. – Жуда аўшар. Мудир Анзират Солиеванига жумла юборди. Дам ўтмай эшик секин очилиб, остонада қорачанга пайдо бўлди, озғин, лекин истараси исдикна аёл келди.

– Мудир жойидан сакраб туриб, муаллимага пешвоз чиқди ва қуюқ сўради. Сўнг унинг кафтидан аста тутди-да, меҳмонларга юзлашди. – Мана, опа, – деди гурур билан. – Ўттиз уч йил ичидан минглаб ўғил-қизимизга илк бор ҳарф таълимни, тўрт йилдан бери ўз ўқувчиларини нукул «5»га ўқитиб келаётган бошланғич таълим устаси Анзират опа Солиева!

– Меҳмонлар Анзират опага совуқина қилиб, «Яхшимиз?» дейишди негадир жимиб қолишди. Мудир хайрон бўлиб, кўзларини катта очди. Хавотир билан Анзират опага қаради, кейин меҳмонларга тикилди. Репортёр лабини қимтиб «шунақа гаплар» дегандек, бошини са-

Ўроз ХАЙДАР

СЎЗДАН УЛҒУ ЯНА НИМА БОР?

Чинор

Йўлга чиққан эди субҳи қозибла,
Шундоқ мулоҳида адашди бир чол.
Уни етагани олиб бир бола,
Кўзлаган манзали сўради дархол.

– Доим адашганман чинорга қадар,
Билмайман, унгача чўзилар қадар.
Отам эккан чинор! Етиб борсак бас,
У ёғига ўзим кетаман, болам.

Гул тераман нафасингиздан,
Изингиздан юлдуз тераман.
Яна улғу нима бор Сўздан,
Барчасини сизга бераман.
Зулфингиздан ошилган олам
Латофатингизни осмоним ўзим.
Мухаббатнинг дўқони – ситам,
Лекин ишқнинг осмони ўзим.
Ўз эркиннинг харидориман,
Буни маҳкум айлаган қадар.
Суюлмаган кўнглим зориман,
Нафосатнинг қулиман, ахир.

Ойнақўлда сузар ой

Ойнақўлда сузар ой,
Жимирлар қумуш излар.
Сув ютиб, жузжиқибми,
Чучкиради юлдузлар.

Кўл саҳнидан ёйилар
Оқ аланга нафаси.
Ховода-чи кезинар
Ойидан наволаз саси.

Хисор тоғи энқайиб,
Ойнақўлда бўйлайди.
Сувпарига айлаиб,
Олис тушин сўйлайди.

Қирғоқлар шўнгишга шай,
Дарахтлар чўзган қўли.
Шаббода ёлғумайин,
Хайратдан елган тилин.

Ойдинликнинг тафтидан
Ойнақўл олов ютар.
Осмон ховучин ёйиб,
Борлиққа ойна тутар.

Қиш уйқусин олган дарахтлар,
Керишиб-да, баҳор олдиан,
Сўқмоқ бўйлаб йўл олмоқ учун,
Эргашди қуёш ортидан.

Тўлкин отиб мовий сукунат
Энтикади – қўқнинг улғуси.
Китигига тегадир ҳар ненинг,
Қуртакларнинг яшил қулғуси.

Йўталаркан Сукунат илкис,
Хуркитади қўқ жимиргани.
Эрк нафасин туйган дарахтлар,
Унутди маҳкумларини.

Роз

– Мендан кейин қолманг, – чолнинг авраб
Киртайган кўзини уқалар кампир.
У кунгадай энди қуриб кенг давра,
Гап-гаштак қилмаймиз, сафимиз кампир.

– Ҳаёт – жабдуқсиз от, асов ва ўзгир, –
Чол қошин учарди. – Эгарга кўзиб
Беҳуда кистасинг умринг ҳам тўзгир,
Аммо яшаманг борлигим тўзгир.

Ҳар банд дорига осилмадим ҳеч,
Итини етақлаб санаманг кун.
Кайтсам, ўз уйимга қайтдим ҳар кун кеч,
Аллоҳга минг шукр, яратгани-чун.


Чол жилмайди тишсиз оғзин сал очиб,
Кампирнинг кўзидан томчи узилди.
Наздига, тушунган чолни розини,
Уй ичи кенгайиб, девор чўзилди.

– Афсуски, бундай ўқитувчини топиш қўлимдан келмайди, – деди мудир кескин. Меҳмонларнинг ҳафсаласи пир бўлиб турган эди, эшик бирдан шарақлаб очилди хонага ёшгина бир жувон халлослаб кириб келди. Жувон тўғри мудирга юзланди.

– Шу мактабда ё мен ишлаб, ё шу сувоқли илмий мудирингиз Рўзига пучуқ ишласин, – деди у қўлини пахса қилиб. – Кун йўқ менга шу пучуқнинг дастидан! Ҳар кун дарсимга қиради. Ҳар кун...

– Мудир уни тинчлангирини ҳарчанд уринмасин, жувон баттар авжга чиқарди. Меҳмонлар эса, жувоннинг тўқна юзига, юқорига юмалоқланган сочига, енгисиз атлас қўйлагига, туфлисидаги ранг-баранг тақирчоқларига ҳавас билан тикилишиб, ўзаро шакллан...

– Экранни гуллатади... – Саҳифани безайди... Жувон тўғригина бобиллади. Мудирнинг олдида қатор талаблар қўйди. Сўнг эшикни қорс этиб ётиб, хонадан чиқди. Мудир чуқур ух торди.



Қиш чўзилди, қор ёғар ҳар кун,
Зериктирди опмоқ манзари.
Тинсиз қоқар осмон этагани,
Ясамоқчи қордан панжара.

Кўзи тиниб кетар қуёшнинг,
Қор тинганда ташласа нигоҳ.
Етакка ол, шамол – ноҳаш,
Елолмайд музласа небоши.

Сен хайлқаш, қулласан маъдум,
Қолганингдақ қутулаб мордан.
Чулгагандай шаффоф табассум,
Қуёш хилин туясан қордан.

Содик дўст топмадим ўзимдан бошқа,
Ҳарна қўл чўзмадим ўзгалар томон.
Ўйиб-ку битмадим сўзимни тошга,
Лекин жарликлардан ўтолдим омон.

Яшадим нодонлар қуршовида ё,
Мутелик нишонин эркимга танғиб.
Кўникмоқ шартига майли йўқ асло,
Туманда ҳам ўзини ололдим таниб.

Серлутф давраларнинг оханрабоши
Қарахлик ҳукми-да беролмади панд.
Хурлик кўзгусида кўринг: борим шу –
Заррадан қичикман, тоғдан-да баланд.

Оруз

Паричехра аёлинг бўлса,
Муз эриса табассумидан.
Қушларга гуллар, у қулса,
Қишга дўса иллон умидан.

Вакт тўхтаса, қош чимирганда,
Жерқанида силқимаса Ер.
Кўзлари жим отганда ханда,
Қиригидан томса шаффоф шеър.

Пиледа қой узатган чонг,
Офтоб қўйса зотига чоғ.
Чорловидан солиб қалдирик,
Тоғ тиз чўкса пойига унинг.

«Ичинингдан хайқирсанг муш,
«Менинг шундай бор деб фариштам».
Бир умрга қутулсанг сўнгра
Аёл ҳақда гап суришдан.

Хушхабар

Тун ёришиб кетар кўзгунг қаратсанг,
Осмон шимаради дархол енгини.
Юлдузлар – оққулар қанот қорам жим,
Илк бор учратгандай ўзин тенгини.

Нурлар шивирдан уфқ олганиб,
Пичирлар қўнғилсиз қизнинг дардларин.
Ўн беш ёш қизчақ ой-да солганиб,
Қумуш қовушининг артар гардларин.

Музни ёриб чиқару бордан майса,
Опмоқ шуълаларга қолдириб изни.
Қувонч нелигин илк хис этиб эса
Дарахтлар эгилиб ўпар илдини.

– Яхши ҳамки Сабохон туманда битта, – деди. – Йўқса...

– Бу киши қайси мактабдан? – шошиб мудирнинг гапини бўлди репортёр.

– Еттинчи мактабдан. Нима эди? – Жуда яхши! – деди репортёр аппаратини елкасига илаб. – Иши дурустдир-а?

– Иши... – Мудир чаккасини қашиб, бир лаҳза жимиб қолди. – Нима десам экан? Иккита ўзлаштирилмайдиган ўқувчиси бор...

Репортёр билан фотомухбир мудирнинг жавобини охиригача ҳам эшитмай, ташқарига отилишди. Кейин нима бўлди – билмаймиз. Билганимиз шуки, ўқитувчилар куни туман газетасини Сабохоннинг чоғроқ мақоласи билан қилиб чураси суради беади. Малеб-қурида байрақнинг теғраси кўринди. Жилмайиб турган эса, билан билан қутлади. Аммо бу кутлов ва мақоланинг мазмунини бир кўри эди:

– Мазун меҳрини ҳирини ёш авлод учун бағишлайман. Синфда қолувчи ўқувчилар бўлмаслиги учун қурашман...

Адабиётшунослигимизнинг таркибий қисми бўлган навоийшунослик йўналишининг шаклланиши, қарор топишида катта аълода мансуб олимларнинг муайян хизматлари бор. Чунинчи, атоқли олим Ёқубжон Исҳоқовнинг «Алишер Навоийнинг илк лирикаси» (1965) монографияси ўз даврида янгилик бўлган эди. Таъқиботда муаллиф Навоийнинг илк лирикаси, ёш шоир газалларининг салафлари газалларидан ажралиб турувчи жиҳатларига эътибор қаратади.

Навоийшуносликда Жомий ва Навоий ҳақида сўз кетганда, Жомийнинг Навоийга кўрсатган таъсири алоҳида таъкидланади ва бу, умуман олганда, тўғри. Ё.Исҳоқов адабий таъсирнинг иккинчи бир жиҳати — ақсабсир ҳам адабиётда мавжудлигини конкрет газал мисолида исботлаб кўрсатди ва бу кейинчалик йирик жомийшунос А.Афсаҳод томонидан ҳам эътироф этилди. Монографияда таъқиботчининг кенг мушоҳада-мулоҳаза, мантқиқий изчилик, ҳар бир адабий ҳодисанинг ички алоқдорлигини кўрсата олиш каби ҳислатлари ёрқин намоён бўлган. Энг муҳими, у улуг шоир илк лирикасининг кейинги давр ижоди билан (ҳам лирик, ҳам эпик) чамбарчас боғлиқлигини кўрсата олган.

Навоий ижоди поэтик хусусиятларини ўрганишга киришишдан аввал Ё.Исҳоқов мумтоз Шарқ шеърини таърихнинг пухта ўзлаштиришига киришиб, кўплаб илмий мақолалар ёзди ва уллар «Классик адабиёт поэтикасида маълумотлар» рунки остида «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида мунтазам эълон қилинди. Бу туркумдаги мақолалари, олимнинг илгари чиқмаган мақолалари билан тўлдирилиб, «Сўз санъати сўзлиги» номи остида (2006), кейинчалик эса мумтоз адабиёт жанрлари, адабиёт тарихига оид атамалар, китобат санъатига доир тушунчалар билан боғлиқ «Ўзбекистон» (2014) нашриётида қайта chop этилди.

Ё.Исҳоқовнинг «Навоий поэтикаси» (1983) таъқиботи навоийшуносликда янги саҳифа очди. Монографиянинг «Алишер Навоий ва лирик жанрлар поэтикаси» бобида лирик жанрларнинг адабиётга кириб келиши, тараккиётида Навоийнинг хизматлари батафсил ўрганилган. Муаллиф назарий масалаларни ёритар экан, аввало, шоирнинг эътирофларига эътибор. Масалан, олим «Бадоеъ ул-бидоъ» дебocasидаги Навоийнинг девон тузиш аънаъасига ва газалнинг мавзулар доирасига нисбатан танқидий муносабатини шоирнинг ўз қайдлари орқали очиб бераркан, шундай ёзади: «Навоийнинг мазкур мулоҳазалари у лирик жанрларнинг моҳияти, поэтикаси борасидаги мавжуд қоида ва аънаёлардан қаноат ҳосил қилмаганлиги, шу соҳада қонун даражасига етиб қолган традицияларга нисбатан танқидий ёндашганлигидан далolat беради».

Таъқиботчи шоир лирикасининг «поэзиямиз тарихидаги юксак мавқеини белгилаган асосий омиллардан бири унинг конкрет муҳит билан, шоир яшаган давр муаммолари билан бевосита боғлиқлиги ҳамда улларда илгор ижти-

моний руҳининг муайян даражада акс этганлиги»ни газаллар таҳлили орқали исботлаб кўрсатди. Афсуски, кейинги йилларда ёзилган айрим таъқиботларда масаланинг бу томони негадир назардан четда қолиб, шоир мероси ва шахсияти у мансуб даврдан юлиб олиниб талқин этилмади. Ваҳоланки, бу зот бир умр эл-улус дарди билан яшадди, асарларида эса энг юксак ғояларни куйлади. Қисқа-

Навоийнинг уюмас

си, шоирнинг ижтимоий фаолияти ҳамда ижодида бирлик, яхлитлик мавжуд ва бу ҳолат жаҳон адабиёти тарихида учрайдиган ноёб ҳодиса ҳисобланади. Айни жиҳатларни назарда тутган ҳолда Ё.Исҳоқов Навоий ижодини фақат ўзбек мумтоз адабиёти доирасидагина эмас, балки Шарқ адабиёти контекстида кузатади ва баҳолайди. Шу жиҳатлари билан унинг таъқиботлари машҳур шарқшунослар — Е.Бертельс, А.Мирзоев, А.Болдиревнинг илмий таъқиботларини эслатади. Бундай ёндашув эса, олимга муҳим концептуал ҳулосалар чиқаришига имкон беради.

КАЛБ ВА ҚИЁФА

Устознинг уч йирик монографияси ва 150га яқин илмий мақолалари юқоридаги фикримизга далил бўла олади. Шу ўринда бир мисол: Ё.Исҳоқовнинг ҳамма кичикроқ «Навоий ва тақдир муаммоси» мақоласи илк ўрта асрлардан бери мусулмон оламида мунозарою муҳокасага сабаб бўлган жабар (тақдир азал) ва қадавр (ирода эркинлиги) муаммосининг шоир ижодида тугган ўрнига бағишланган. Олим бу масалада файласуфлардан фарқли ўларок, «ижодкор мутафаккирлар(Ҳофиз, Саъдий, Румий, Хайём, Навоий)нинг мазкур масалалар борасидаги қарашларида, уларнинг баъдий асарлари таркибида, баъзан нозик имо-ишоралар тарзида ифодаланган», деб тўғри таъкидлайди. Бунда таъқиботчида матнга ёндашувда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Чунки баъдий образ бағрига яширинган фалсафий фикрнинг синчковлик билан очиб бериш лозим бўлади. Ё.Исҳоқов «Хайрат ул-аброр»нинг «Имон шарҳида» номи биринчи мақолати ва «Фарҳод ва Ширин»даги учинчи муножат таҳлили орқа-

ли шоирнинг ушбу муаммога ўзига хос ёндашувини кўрсатиб беради. Мақола бу мураккаб муаммога нисбатан муқаддима характерида бўлишига қарамай, масаланинг тўғри қўйилгани ва мантқиқий асослангани жиҳатидан навоийшуносликда янгиликлар.

Олимнинг «Хамса» поэтикасининг баъзи масалалари» ёки «Хамса» поэтикасига доир» мақолалари бу кенг микёсда асарнинг энг кам диққат қаратилган томонларига бағишланган. Одатда, адабиётшуносликда психологик таҳлилда инсоннинг «калб диалектикаси» тасвири реализм адабиёти намуналарида кўрилади. Ваҳоланки, «Хамса» дostonлари таркибида психологик таҳлилни ички монолоқ, адабий туш, психологик портрет, «хол тили бирла мақол айла-

аллифи масаласи» мақоласи адабий манбашуносликнинг намунаси бўлиб, бугун ҳам ўз аҳамиятини заррача бўлса-да, йўқотмаган. Мақолада узок асрлардан бери Мавлоно Лутфийга нисбат бериб келинаётган дostonнинг теран таҳлил орқали Хайдар Хоразмий каламига мансублигини далиллар билан исботлаб берилган. Дostonга эпиграф сифатида олинган Хайдар Хоразмийнинг:

Хар ғалат эр ўғлига бир панд эрур, ўз ғалатин билса, хиралманд эрур — байти мақола моҳиятига аниқ ишоратдир. Қизғин шундаки, орадан бир қанча вақт ўтиб илмий истифодага киритилган икки мустақил манба — Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балого» ва Фахри Хиротийнинг «Равзат ус-салотин» асари Ё.Исҳоқов мулоҳазаларининг тўғрилигини яна бир бор тасдиқлади.

XX аср навоийшунослик фани тарихга айланиб бўлди. XXI аср навоийшунослиги қандай ривожланади, деган муаммо ҳозирги вақтда кун тартибда долзарб бўлиб турибди. Ўтган аср сўнгига рўй берган улкан ўзгаришлар ижтимоий фанлар олдига янги вазифалар қўйди. Бугунги кунда мамлакатимиз барча жаҳаларда дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Бу қонуний жараёндан ижтимоий фанлар, хусусан, адабиётшунослик фани ҳам истисно эмас. Биз бугун илмий-таъқиботларимизни четга чиқариш хусусида жиддий ўйлаб кўришимиз лозим. Бунинг учун, аввало, илмий-таъқиботларимиз назарий савиясини кўтариш ва адабий меросимизни ўрганиш методологиясини белгилаб олишимиз керакка ўхшайди. Шу муносабат билан Ё.Исҳоқовнинг бундан чорак аср муқаддам айтган куйидаги фикрларига диққат қаратамиз: «Агар шоир асарларига, бадииятига Шарқ поэтикаси талаблари асосида ёндашиш шоир новаторлигини баҳолашга ёрдам беради, уни янги давр эстетикаси нукта назаридан ўрганиш Навоийнинг умумжаҳон эстетикаси тарихида тугган мавқеини белгилашга имконий яратиши мумкин.



Бундай хайрли ишни амалга ошириш бугун халқимизнинг обрў-эътиборини дунё микёсига кўтариш билан баробардир». Демак, буюк шоир ижодининг «умумжаҳон эстетикаси тарихида тугган мавқеини белгилаш» ни асосий вазифалардан бири сифатида қарайдиган бўлса, бу йўналишдаги таъқиботларни хорижий тилларга таржима қилиш зарурлиги ойдинлашади.

Атоқли адабиётшунос олим Ёқубжон Исҳоқов XX аср ўзбек адабиётшунослик илмини, хусусан, унинг навоийшунослик йўналишини ривожлантириш ва яратилган унутилмас ишларни амалга оширди.

Абдурашул ЭШОНБОБОВ,
Алишер Навоий номидаги
Давлат адабиёт музейи
илмий ходими

АДАБИЁТГА САДОҚАТ

Маҳмуд Саъдий — муҳаррир ва муаллим

Онгли ҳаётимни тахрир санъатига бағишладим.

Маҳмуд САЪДИЙ



Дўстлари, шоғирдлари Маҳмуд Саъдийни мангу яшайди, адабиёт билан мангу шугулланади, дунёнинг хар сридан йиғиб келган нодир китобларини мангу ўқийди ва уллар ҳақида биз билан мангу бахс қилади, бизга китоблар маърифатини мангу соҳават билан очади, деб ўйларканмиз, шундай ишончда бемалол юрарканмиз. Бу давраларда бизнинг ўзимиз ҳам худди беғараз дўстимиз каби тузалмас идеалист ва кайсар метафизик эканмиз. Китобга чин эътиқод қўйиб, уллардан инсонни ва барча ер юзи халқларини бахтли ва бир-бирларига тотув қиладиган оханабо калит ахтарар эканмиз. Биз оғишмай интилган бу идеаллар чиларчин бўлгани йўқ, бағрига қонот куёшларини жо қилган ўша китоблар турлибди. Маҳмуд бизни Абдулла, Ўткир, Эркин, Шуқур, Рауф каби курашга чорлайверди. Рухимиз мангу ва азал табиатнинг зарраларига айланиб, яна шу олтин қозикдек китоблар атрофида мангу давра кураверди. Маҳмуд Саъдий китобларнинг мангу даврасидаги гўзал париваш сиймо эди.

Нарпайнинг буюк дostonчилик мактаби, бу мактабнинг Эрнарар каби шоирлари, Ислом Назар ўғли, Нурмон Абдулов ўғли, Зоҳир Қўчқор ўғли каби Алпомишсон, Қунтуғмишсон каби бахшлари халқ онги ва қалбини нурафшон сўз баҳралари билан тўлдирган юртдан Маҳмуддай адабиёт муҳиблари ва намоёндалари чиқиши — пайдарпай чиқиши табиий ва табиатнинг ижодкорларга ҳомийлиги, раҳнамолиги қонуни эмасми?

Бешинчи сифда мен «Қунтуғмиш» ва «Интизор»ни ўқиганимда, бировданми ё ўзим замзама қилиб тўқиган эканманми, дафтаримга ёзиб қўйган эканман:

Қудагай бўлиб турасиз, домла,
Удагай бўлиб турасиз, домла,
Қарагай бўлиб турасиз, домла —
Зол бўлиб турасиз.

Назаримда, Маҳмуд замона қаршида мана шундай Зол бўлиб турди, маҳкам турди, охиригача турди. Билсам Зол дегани зўр ботир, пахлавон дегани. Маҳмудни Золга ўхшатиш эмасман: Маҳмуд лоязол, ўлмайди. Назаримда, замона муҳаррири шундоқ турадиган одам бўлади ва ўзидан яхшилик қолдиради. Ҳалимбий, Аҳмадбий, Бекқулбий, Нусратбий каби муҳаррир шоғирдлари бор; Хайридин Султон, Эркин Аъзам мисол ука-шоғирдлари адабиёт сарҳадларида қад ростлаган. Жонли сўз!

Маҳмуд Саъдий, балки романлар ёзмагандир, аммо у «Тахрир санъати» ва «Теран томирлар»ни ёзди. Умр бўйи сўз сайқалади. Балки у Саъдий бўлмаганида Сайқали бўларди. У ҳақиқатлар қарор топиши ва доимо янгилик, сайқалланиб туришини яхши кўрарди. Бугун кўтаринки, бахшима гапларнинг пардалари таран тортилганга ўхшайди. Ахир, Маҳмуд умр бўйи шу таран тортилган пардаларни титроқ қўллари билан тутиб, ҳеч қачон қўйиб юбормай, адабиётга дилдан муҳаббат билан хизмат қилмадим? Тахрир фалсафаси, тахрир руҳини яратмадим? Айтнинг, онгли ҳаётида бир зум, ҳа, бир зум адабиётдан холи бўлдим, бир четда турдимми?

Маҳмуднинг гўдаклиги, сабий болалиги Қорадарё, Оқдарё, Нарпай бўйларига ўтди. Бу дарёлар, сойлар унинг кўзларини нурини зиёлар билан тўлдирди, қалби кенгликлардан оқиб ўтди. Дехкон, соҳибкор одамларнинг меҳру саховатини кўрди. Отаси Холқул мулла — улуг мулла, маърифатпарвар инсон эди. У Маҳмудга беш ёшида ўқити, ёшгани ўргатди. Отасидан етти ёшида етим қолгани, уни нарпайлик меҳридарё муаллимлар, кондош-жондошлари ўз бағирларига олдидлар. Шундай меҳр-муҳаббат қўрган инсон Маҳмуд Саъдий аллома муҳаррир, ношир, адабиёт ташкилотчиси бўлиб етишмасе, бу ҳақиқатан, ғоятда ажабланарли бўларди.

Маҳмуд бунинг сирини кейинроқ университетнинг журналистика бўлимида тахсил олиб юрган йиллари, олтининчи йилларда тушуниб етди.

Мухит! Ҳаммаси — инсоннинг қандай шаклланиши, истеъдоднинг қуртқилини, қудратли қучга айланиши, йўналиш олиши муҳитга чамбарчас боғлиқ экан, деган ҳулосага келди. Оила, мактаб, Олтиўғил қишлоғи, университет ва сўнгра тахрирлар тимсолида адабиёт-ижодий муҳитларни муқоаса қилди ва яна ҳаёт — ҳаммаси муҳитга, муҳит яратиб билиш, муҳит қалф этишда! — деган ҳулосаси батамом мустаҳкамланди. Ва Маҳмуд оилада, ижтимоий ҳаётда инсон қамолга етadиган муҳит яратиш учун жон-жаҳди билан курашди. Боли тарбиясига биринчи даражали аҳамият қаратди, бир дам ҳам болалар тарбиясидан узилмади. Оилага қандай қараса, жамиятга ҳам шундай қаралди. Болаларга замонавий илм-фанлар, илмий-назарий қарашларни сингдирди. Шу узок йиллар бир дақиқа ҳам танаффус билмаган, ўта машаққатли жараёнларда Маҳмуд талаба — Маҳмуд Саъдий — муаллим, муҳаррир, адабиёт ташкилотчиси айланди, чин маънода қатта муаллим бўлиб етишди.

У билият ҳақиқати, ҳаёт ҳақиқати, инсон ҳодисалари ҳақиқатлари устида бир умр ўйланди, бир умр изланди. Уларни таҳлиллар марказига қўйиб, беҳато ишлайдиган ҳаётини принципларини нозик заргар каби шакллантириб улгурди. Фарзандлари, шоғирдлари, кўплаб ёшлар тақдирини ҳаётини қарашлари ва намоёндалари чиқиши натижа бераётганини ўзи кўрди. Заҳматқан мураббийи тўғри тарбия, тўғри муҳит яратишини фаол натижаларидан баҳраманд бўлолди.

У ёши етмишга қирғанда Жаҳон тиллари университети «Филология масалалари» илмий-назарий журналин кўз нуруни тўкиб чиқарди, уни намунавий нашрга айлантиришга ҳавас қилди. Менга ҳам Фитрат ва тахрир маҳорати ҳақида иккита мақола ёздирди. Бу мақолаларни у бир йил папкасида (бу ўша машҳур папка!) олиб юрди.

Маҳмуд Саъдий университет тахсилини тугаллаб, адабий жаҳалар — «Шарқ юлдузи», «Тулистон», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Маърифат» тахрирларига кириб келган даврларда бу майдонларда Зулфия, Мирқарим Осим, Иброҳим Раҳим, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Олиқ Ёқубов, Максуд Кориев, Шуҳрат, Ваҳоб Рўзиматов сингари адиблар ижодкорлики муҳаррирлик билан бирга қўлиб олиб боришар, адабиёт ва санъатнинг юрак уриши зарбларидан бохабар туришарди. Булар сағиға кейинроқ Абдулла Орипов, Озод Шарафидинов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Омон Мухтор, Эркин Аъзам, Маҳкам Маҳмудов, Худойберди Тўхтабоев, Халима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиёва қабилир келиб қўпилиб, адабий ижод жараёнларини қизитиб, янги ўфқларга олиб чиқдилар. Маҳмуд Саъдий шулар қаторида мутахассис, ижодкор муҳаррир сифатида ўз муносабати ўрнини топди. У, ўз ибораси билан айтганда, иختисосда тахрир санъати йўлини очди ва ривожлантирди, тахрир санъатига таҳлил ва танқид санъатини уйғун қилди. Сафдошлар ва шоғирдлар наздида моҳир муҳаррир деган шарафли обрў қозонди. Уни Озод Шарафидинов, Матқуб Қўшқонов, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов беҳад қадрлардилар. Маҳмуд Саъдий ҳақида равишда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвонига сазовор бўлди. Қутлуғ 80 йиллигини нишонлаган қулар улуг хизматлари ҳисобга олиниб Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Фидокорона хизматлари учун» юксак ордени билан тақдирланди.

Маҳмуд Саъдий журналистлар, адабиёт намоёндалари наздида адабиёт ва таъсирчан баъдий сўзни севиш, унга жон куйдириб хизмат қилиш, инсонийлик ва иختисос шарафини баянда кўтариб бориш намунаси бўлиб қолади.

Биз доим табиат қошида турганимиз: хижрон эса жуذا зурабор, иним, бошга тоғдай қутилмаганда қулайди. Илож қанча.

Иброҳим ҒАҒУРОВ

СЕҲРЛИ ОЛАМГА ИНТИЛИБ

XV аср. Хиротдаги хушманзара Унсия ижод аҳлининг боғи бўлган. Хазрат Навоий Унсияга ўз кўли билан мевали дарахт ва гуллар экгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Жомий ва Навоий адабий мактаблари ҳам Унсияда жойлашган. Бу мактабларда қанчадан-қанча истеъдодлар тарбия топган.

ТАБИАТ ВА ИЖОДКОР

Мирзо Бобурнинг Кобулда ўнга боғ барпо этгани манбаларда қайд этилган. «Шахроно боғ» шулар жумласидандир. У «Бобурнома»да ўзи бунёд этган боғларнинг манзарасини тасвирлайди. Дашти Шайх қирлари этагида ўсадиган лоланинг 33 хилли каламга олади. Ҳиндистондаги Жамна дарёси соҳилида «Рам боғ»ини барпо этди. Мевали дарахтлар билан бирга,

ҳам қириб, гул сочиб юрибди. Биринчи баҳор... Ҳар новда, ҳар майса ўзича уйғониб, баҳор келди — менинг дарду армоним ошгандан ошиб кетди. Яна қоғозга мук тушдим...

Ҳа, Зулфиянинг «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеъри шу тарзда дунёга келганди.

Бир пайтлар буюк адиб Ойбек домла Тахтапуд ва Юнусобод мавзелари ўртасидаги Октепа маҳалласидан боғ-ховли сотиб олган. Рафикаси Зарифахоним билан ёни шу боғда ўтказарди. Шу ерда ёзилган «Қутлуғ қон» романида айнан ўша жаннатмонанд боғнинг ажойиб манзарасини — гўзал тасвирини кўраимиз.

Абдулла Қодирийнинг ҳам қатта боғи бўлган, тўғрироғи, у падари бузруквори Қодир бобо барпо этган боғ ичидега ўсиб-ўлғайди. Бир куни боғ дарчасини кимдир тақиллатди. Жулқунбой бориб дарчани очгач, салом-алиқдан сўнг, Абдулла Қодирийни зиёрат қилмоқчийдим, деди келган одам. У улуг ёзувчининг боғбон ё у хизматчиси деб ўйлаган экан-да.

1933 йилнинг баҳор ойларида рус ёзувчиси Алексей Толстой рафикаси билан Абдулла Қодирийни уйда меҳмон бўлади. Сархил узумлардан татиб кўргач, «Қанийди, бизнинг ҳам боғимиз бўлса», дейди Толстой рафикасига юзланиб. Энди боғимиз, узумзоримиз бўлади, дейди турмуш ўртоғи табассум билан ва Ҳабибулла Қодирий (А. Қодирийнинг ўғли)дан бир неча тоқ новдалардан олиб беришини сўрайди. Хоҳиши бажарилгач, новдаларни зотик ўрнида бошига тутиб, миннатдор ҳолда, жўнаб кетишади.

Табиат, ўз навбатида, улуг ижодкор. Унинг нимага қодирлиги фақат уйғониш фаслидамас, йилнинг тўрт фаслида яққол намоён бўлади. Табиат ва қўли гул инсон харакатининг бирлашуви ҳақиқий мўъжиза ярата олади. Бугун шундай мўъжизани Миллий боғ худудидеги мухташам Адилбар хиёбонида ҳам кўришимиз мумкин.

Севимли адибларимиздан бирининг: «Боғ ҳақида мухташам Президентимизнинг сўзларини эшитарканман, ҳаёлимда Алишер Навоий таваллуд топган Хирот, у ердаги Унсия боғи жонланди», деб таъкидлашда жон бор, албатта.

2017 йили ижод аҳли учун ҳам унутилмас воқеаларга бой бўлди. Апрель ойининг 18 санасида



Президентимизнинг «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи худудига Адилбар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. 2017 йил 23 декабрда мухташам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Адилбар хиёбони билан танишиш мақсадида Миллий боғга таширф буюрди. Биз доимо зиёлиларни, ижодкорларни қўллаб-қувватлашимиз керак, деди мамлакатимиз раҳбари бир гуруҳ ёзувчилар билан учрашувда.

Боғ ичидеги Мир Алишер Навоийнинг мухташам хайкали — барҳаёт шеърининг муаззам муҷассамаси эди. Адилбар хиёбонида қўйилган Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова, Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ғафур Ғулом, Озод Шарафидинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Мухаммад Юсуфнинг жоноҳан халқи ва Ватанига бўлган меҳр ва садоқат тимсоли бўлган хайкаллари ҳам бамисоли асарлари сингари ўзбек адабиёти бўстонини беэзаб турибди.

Хиёбондан ёшлар қадами узилмайди — бу ерда навихол боғбон меҳрини туйиб ва тафаккур дунёсидан баҳра топиб, ўзи учун бир умрга унутилмас сабоқ олади. Чаманзорнинг беғубор ҳавоси хисларнинг кўнгилдан қоғозга тўқилишига сабаб бўлади. Бу маскан ёш ижодкор учун маҳорат, меҳнат, яратувчанлик оламидир. Адабиёт боғида янги дунёлар очилиб, шеърят ва ижодга меҳри ошади, сеҳрли оламга интилиш иштиёқи ортб бораверади...

Мухаммад ШОДИЙ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

Атоқли адиб Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи кўплаб соҳа ижодкорлари қатори композиторларни ҳам илҳомлантириб келатган мумтоз асардир. Хусусан, ўзбек симфониясининг доврүғини жаҳонга таратган таниқли композитор Мирсодиқ Тожиёв 1988 йили мазкур роман асосида драматург Иzzат Султон ёзган либреттога таяниб, “Кумуш” операсини ижод қилганди. Аммо айрим сабабларга кўра бу асар саҳна юзиди кўрмади.

2017 йилга келиб Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри жамоаси ушбу опера устиди иш бошлади. Ижодий ҳамкорликда таклиф этилган Мариинск театрининг сахналаштирувчи режиссёри, Россияда хизмат кўрсатган санъат арбоби Эркин Габитов ва ижодий гуруҳ таклифига кўра, операни драматургик жиҳатдан жанр талабига мос тарзда кайта ишлаб чиқиш лозим кўриди. Шу тариха Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим А.Қодирий оиласининг розилиги билан опера либреттосининг янги тахририни яратди. Машхур ўзбек композитори, М.Тожиёвнинг укаси Мирхалил Махмудов мазкур либреттога мувофиқ мусика басталади. Операни

сўзлари билан бошланади. Томоша давомиди ўтмишнинг қоронғу ва нурли кунлар, яхшилик ва ёмонлик, ижобий ва салбий персонажлар, қолаверса, ўзаро ўрин алмашиб турадиган оммавий ва лирик сахналар қиёси, мусикий театр драматургиясига мос ҳолда воқелик ривожини таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади. “Ўткан кунлар” бадий фильмининг мусика муаллифи, композитор Мирхалил Махмудовнинг салоҳияти билан жанр талабларига мос янграган рецитатив,

нажнинг мусикий жиҳатдан мураккаб воқал партияларини истеъдодли хонанда Малика Норматова маҳорати даражасида кўрсата олди. Отабекнинг воқал партияларини соҳир овоз соҳибни Рустам Алимардонов ишонarli талкин этишга муваффақ бўлган. Отабек ва Кумушнинг илк учрашуви ва кейинги сахналардаги дуэтлари ҳам оркестрнинг лирик садоларга тўла майин оҳанглари билан икки ёшнинг мухаббатини ёрқин акс эттирди. Шу билан бирга Отабек — Р.Алимардоновнинг сахнада ҳалдан зиёд серҳаракатлиги, жумладан, хар сафар саҳнага югуриб чиқиши ва шу аснода давомли ҳаракат қилиши унинг беқлик насабига ярашмаган. Назаримизда, бу образ романдаги Отабекнинг насл-насабига мувофиқ ҳолда салобатли кўринишда бўлиши



Томошабин операда акс этган давр воқелигини тўлароқ тасаввур этишида сахналаштирувчи рассом Зубайдулло Ботиров ҳамда либослар бўйича рассом Лобар Полвоновнинг хизматлари эътиборга лойиқ. Таклиф маъносиди айтиш керакки, Отабек образи учун танланган либосни бироз ўзгартириш лозимга ўхшайди. Маълумки, Отабек савдогар бўлиши билан бирга, замонасининг илғор зийли кишиси ва айни пайтда кўркем, салобатли йигит ҳамдир. Назаримизда, операдаги Отабек образини ташқи киёфаси либосларда мувофиқ ечимини топмаган.

Шу ўринда Отабекнинг волидаси Ўзбекиоим образи борасида ҳам айрим эътирозлар бор. Романдан маълумки, Ўзбекиоим балавлат, ўзига тўқ оиланинг бекаси, оддий халқ томонидан уюштириладиган турли байрам ва тўй-маросимларга гоҳида “кавшим кўчада қолган эмас” деб бормайдиган аёл. Шу боис ҳам унинг Юсуфбек ҳожидан суюнчини олган, рақсга тушиб кетиши тошкентлик зодагон аёл мавқисини бир қадар тушириб юборган. Бундан ташқари, ўзига хос салобатга эга бу аёл образини яратишда унинг феъл-атвори ва нутқига хос ҳолат воқал партия билан уйғун келмаган. Чунки Ўзбекиоим партиясида шарқона оҳанглардан кўра кўпроқ ғарбча оҳангларга мойиллик сезилиб турди. Хуллас, Отабекнинг волидаси образи опера сахнасида суст очиб берилган. Опера якунидаги Отабекнинг фарзандини қучиб униёз йиғлаши томошабинларни ҳам беихтиёр маънос тортишга ундади. Бу сахна опера ижодкорлари томонидан топилган умидбахш ечим.

Операнинг мусикий партияси миллий колоритга бойлиги, турли мусикий жанр ва шакллар уйғунлиги асар драматургиясини тингловчига янада таъсирлироқ етказишга хизмат қилади. Композиторнинг миллий оҳангларга ижодий таянган ҳолда оркестр таркибига доира қолғусини киритгани яхши бўлган. Шу билан бирга, опера партиясида ўрин олган ва халқимиз учун кадрли бўлган айрим оҳангларнинг ҳақиқий ўзбекча янграши учун, назаримизда, танбар ва ғижжак қолғуларининг “нолаги” садоларидан ҳам унумли фойдаланиш мумкин эди.

Шубҳасиз, билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар операнинг бадий қимматига соя солмайди. Ушбу опера Алишер Навоий номидаги театр репертуаридан муносиб ўрин олади, деб ўйлаймиз.

Дилдора КАМОЛОВА,
мусикашунос

САҲНАДА “КУМУШ” ОПЕРАСИ



сахналаштиришда юқорида номлари зикр этилган ижодкорлар билан бирга мусикий раҳбар ва дирижёр, Ўзбекистон санъат арбоби Фазлиддин Ёқубжонов, хормейстер, Ўзбекистон халқ артисти Сулаймон Шодмонов, дирижёр Камолиддин Азимов, сахналаштирувчи рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зубайдулло Ботиров, либослар бўйича рассом Лобар Полвонова ва хореограф Чарос Жўрабоева фаол иштирок етдилар. Шу тариха Мирсодиқ Тожиёв гоёси асосида “Кумуш” номли икки пардали янги ўзбек операси юзага келди.

Опера улуг адибимизнинг сахнадаги нурли сиймоси ва унинг ортида пайдо бўлган ўтган кунларнинг қоронғу шарпасига ишора ўлароқ, “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли дейдилар” мазмунидидаги хикматли

ария, дуэт ва хор ижролари эътиборга лойиқ.


Дастан саҳнада оммавий тантана — Наврўз шуқуҳини акс эттирувчи байрам нафаси оркестр жўрлигидаги жўшқин оҳанглар ила тараннум этилади. Мазкур сахна асар қаҳрамонларининг илк экспозицияси бўлиши билан бирга, шу каби оммавий подиёна сахналари асосий персонажларнинг аянчи қисматини намойиш этишда муҳим драматургик восита вазифасини ҳам ўтайди. Операнинг бош мавзуси сифатида, адабий асарнинг лирик йўналишини ташкил этган, Отабек ва Кумушнинг фожиаи сеғви қиссаси намён бўлади. Опера ижодкорлари талқинида Кумуш образи асосий планга олиб чиқилган. Бинобарин, мусикий саҳна асарига “Кумуш” деб ном берилгани бежиз эмас. Персо-

ЗАНГОРИ КОШИНЛАР УСТАСИ

Тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган кўҳна Хоразм замини қулоччилиги, наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги санъати билан машхур бўлган. Бунга хисса қўшганлардан бири, аънаъвий миллий зангори қулоччилик устаси Раимберди Матчоновнинг (1909 – 2000) ижодий ишлари нафақат республикамизда, балки Италия, Франция, АКШ, Япония, Малайзия, Хиндистон, Туркия давлатларида ҳам санъат мухлисларини хайратга солган. Унинг кўлида жилдоланган қулоччилик намуналари Москва, Санкт-Петербург каби шаҳарларнинг давлат санъат музейлари галереясида сақланмоқда.

Р.Матчонов хунарманд ота-боболаридан ўрганган қадимий сир тайёрлаш технологияси асосида сополларга ишлов берган. Шунинг учун ҳам у ясаган бодия, чанок, безакли кўза каби идишлар бошқа усталарникидан ажрალიб туради. Уста қадимий мезморий обидаларнинг қосин безакларини таъмирлашда, янги қурилган маданий ва маъмурий биноларни қосинкорлик аънавалари асосида безашда ҳам фаол катнашган. Жумладан, Пахлавон Махмуд макбарасини таъмирлашда, Урганч шаҳридаги Беруний ва Хоразмий ёдгорлик мажмуаларини нақшли қосинкорлик санъати билан безаш ишларида раҳбарлик қилган. Ушбу ишлари орқали уста нақшли зангори сопол қосинкорлигидан хозир ҳам фойдаланиш мумкинлигини исботлаб берди ва Хоразм зангори қулоччилик-қосинкорлик мактабини қайта яратди. Райимберди ота Республика бадий фонди тизимида, 1978 йилдан то

умрининг охиригача халқ амалий санъати бирлашмаси Хоразм бўлимида фаолият кўрсатди. Юртимиз халқ амалий санъати, хунармандчилигини ривожлантиришдаги муносиб хизматлари



учун “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” унвонига сазовор бўлди. Мустақиллик йилларида халқро микёсда ўтказилган кўплаб танловларда катнашиб, диплом ва сертификатлар билан тақдирланди. 1997 йили қулоччилик соҳасидаги туркум ишлари учун Камолиддин Бехзод номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

“ОҒА”

Ўзбек миллий профессионал театрининг асосчиси Маннон Мажидов — Уйғур умрини юртимиз театр санъати раванки йўлида фидокорона хизмат қилишга бағишлаган. Санъаткор ўтган асрининг 30-йилларидаёқ инглиз драматурги В.Шекспирнинг “Гамлет” асарини сахналаштириб, ўзбек миллий театрининг шухратини оламга ёйди.

Миллий театримиз тарихида ўчмас из қолдирган бу захматкаш инсон “Отелло”, “Алишер Навоий”, “Жалолддин Мангуберди”, “Муқимий”, “Халима”, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” каби постановкалари билан миллий маданиятимизга улкан хисса қўшди.

Режиссёр ва драматург Жўра Махмуднинг “Ога” деб номланган монографиясида Маннон Уйғур маърифат кўйичиси, миллий академик театр таъки-

лотчиси, актёрлик касбини санъат даражасига кўтарган устозда, опера ва мусикий драмалар устаси, ўнорак санъаткор, талабчан ва меҳрибон мураббий, беназир режиссёр, “Саҳна нутқи” фанининг асосчиси сифатида гавдалантирилган.

“Fan va texnologiya” нашриётида чоп этилган



Гулчехра СУЛТОНОВА,
Самарқанд давлат университети Тасвирий санъат кафедраси ўқитувчиси


Устанинг сый-ҳаракатлари туфайли йўқолиш даражасига бориб қолган Янгиарик тумани Каттабўғ қулоччилик мактаби қайта тикланди. Ўз даврининг машхур қулоли Матқуб Отажоновнинг ўғли Султон Отажоновнинг шогирдликка олиб, унга зангори қулоччилик сир-асрорларини ўргатди. Ҳозирги кунда устанинг шогирдлари Урганч шаҳрида қад кўтаратган янги иморатларнинг пештоқини миллий сопол қосинлар билан безаш бўйича самарали иш олиб боришмоқда.

Оила аънаваларини устанинг ўғиллари Одилбек, Матжон, Ойбек, Тохирбек, кизи Марям ҳамда набираси давом эттиришмоқда. Одилбек Матчонов ишлаган қулоччилик буюмлари дунёнинг турли минтақаларида, жумладан, Дубай шаҳрида, Малайзияда, Жанубий Корея Республикасида бўлиб ўтган халқро кўргазмаларда намойиш этилди. Тошкент шаҳридаги Замонавий санъат маркази биносининг фасад қисми, Бухоро вилоятидаги Баҳовуддин Накшбанд зиёратгоҳининг айвон қисми дафлари Одилбек уста томонидан зангори қосинлар билан безатилган. Кўплаб танловлар совриндори, Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси Одилбек Матчонов ҳозирги кунда ака-укалари, фарзандлари ва шогирдлари билан республикамиз вилоятлари ва Урганч шаҳрида янги қурилган бинолар пештоқларини қосинкорлик аънавалари асосида безашда самарали ижод қилишмоқда.

Гулчехра СУЛТОНОВА,
Самарқанд давлат университети Тасвирий санъат кафедраси ўқитувчиси

“СОВРЕМЕННОК” — ЎЗБЕКИСТОНДА

Маълумки, Ўзбекистон ва Россия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни, маданий ҳамкорлик ришталарини янада мустақамлаш мақсадида юртимизда “Катта гасстроллар. Рус театрлари хорижда” дастури асосида турли рус театрларининг спектакллари намойиш этиб келинмоқда. Бу йил шу аънаванинг давоми сифатида куз ойининг охириги ўн қулчида мамлакатимизда Москванинг машхур “Современник” театри жамоаси мухлисларга иккита спектаклини тақдим етди.



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Россия Маданият вазирига гастроль фаолиятини қўллаб-қувватловчи Федерал марказ кўмагида ташкил этилган ушбу анжуман 15-24 ноябрь кунлари бўлиб ўтди. Дастанлиқ спектакль Олмалик шаҳрининг “Металлург” маданият саройида намойиш этилди. Бугун труппанинг ижодий меҳнати акс этган лавҳалар жамланган мазкур спектакль “Форматсиз” деб номланган.

“Современник” театрининг юртимиздаги гастроллари бағишланган матбуот анжумани эса 19 ноябрь кунини Маданият вазирига бўлиб ўтди. Вазирилик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирилик Маҳкамаси хузуридаги алоҳида муҳим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш дирекцияси билан биргаликда ташкил этилган анжуманда меҳмонлардан “Современник” театри директори И.Попов, гастроль фаолиятини қўллаб-қувватлаш Федерал маркази директори Е.Булукова, Ўзбекистондаги Россия Федерацияси Хамкорлик ташкилотини раҳбари В.Шулика, Россия халқ артисти С.Гармаш, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари К.Оқилова ва бошқалар журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб бердилар. Жумладан,

К.Оқилова бу каби маданий алоқаларнинг аҳамиятига тўхталиб, “Жаҳон театрларининг пойтахти Москва десак, янглишмаган бўламиз. Шу сабабли ҳам бу гастроль ҳаммаимиз учун аҳамиятли. Зеро, бугун маданиятлар ўзаро диалоглариз яшаши мушқул”, деди. Матбуот анжумани дўстона ва самимий руҳда ўтди.

Шундан сўнг жамоа пойтахтимизнинг Ёшлар театрида “Форматсиз” спектаклини, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида А.П.Чехов асари асосидаги “Уч опа-сингиллар” спектаклини уч кун давомида намойиш етди.

Айтиб ўтиш жоизки, Олег Ефремов, Галина Волчек, Игорь Кваша, Лилия Толмачева, Евгений Евстигнеев, Олег Табаков каби рус театри дарғалари асос солган ушбу театр 1970 йили Ўзбекистонда гастроль сафарига бўлиб, Тошкент, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида спектакллари намойиш етганди. Мазкур театр репертуари доимо томошабинлар диққатини тортиб келган. “Современник” ҳаммаи драматургларнинг замонавий воқеалар ва муаммолар акс этган пьесалари ёрдамида томошабинлар билан мулоқот қиладиган театр бўлишга интилиб келди. Ҳозирга қадар театр бу аънаванига содиқдир.

Гулчехра УМАРОВА

ҚУНАР, САНЪАТ, МАҲОРАТ

Пойтахтимизда “Инсон. Мухит. Санъат. 2019” деб номланган иккинчи Тошкент халқро амалий санъат биеналеси якунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар бу каби фестиваллар давлатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустақамлашда, ижодкорларнинг интилишларини уйғунлаштиришда ва таъриба алмашишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлашди. Беш кун давом этган халқро биеналеда иштирок етган хар бир хунарманд-устанинг ижодий ишлари ҳакамлар хайъати томонидан кузатиб борилди. Ғолибларни тақдирлаш маросимида дастлаб бир гуруҳ ижодкор-усталар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Турли йўналишларда ғолиб бўлган энг фаол беш нафар иштирокчига ҳам диплом ҳамда совғалар топширилди. “Иккинчи нафас” деб номланган асари учун тожикистонлик Мунира Оқиловага биринчи ўрин, “Қалғай. Ипақ қанотлар” номи асари учун озарбайжонлик Инна Костинага иккинчи ўрин, “OBLIVION” арт-лойихаси учун ҳамюртимиз Абдувоҳид Каримовга учинчи ўрин насиб етди. Ғолиблар биенале хайкалчаси, диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Биеналенинг бош мукофоти — Гран-прини Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида санъат йўналишидаги малака алмашинуви лойихаси — Кванъян шахри аънаваний ўқ-ёй лабораторияси қўлга киритди.



— Биеналеда ўзбекистонлик талабаларга маҳорат дарси ўтганимиз эсда қоларли воқеа бўлди, — деди Жанубий Кореядан келган уста-хунарманд Ким Чол Хо. — Бу учрашувда ўзбекистонлик ёшлар Кванъян шахри аънаваний ўқ-ёйларида, Кореянинг қулоччилик санъати катта кизиқкиш билдиргани бизни хурсанд қилди. Гран-прига сазовор бўлганимиздан жуда хурсандимиз. Келажакда санъат соҳасида ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш ниятидаимиз.

Сарвара ҚОСИМОВА

ЖЎШҚИН ИЖОД БАХТИ

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида дастлабки ҳикояси босилганда Бекқул Эгамқулов университетнинг учинчи босқич талабаси эди. Ҳозир китоб чиқариш, газета ва журналларда ҳикоя, шеър эълон қилиш осон бўлиб қолди. Ўша пайтларда Асқад Мухтор бош муҳаррир бўлган адабиёт газетасида талабанинг ҳикояси чиқиши воқеа эди.



Салкам йигирма йил “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ишлаган Бекқул Эгамқулов Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Иброҳим Фафуров, Аҳмадҷон Мелибоев, Маматқул Ҳазратқулов каби забардаст ижодкорлардан журналистика сирларини ўрганди. У ўша йилларни фахр билан ёдга олади, адабиёт газетаси ҳаётида катта мактаб вазифасини ўтаганини таъкидлайди: “Одил Ёқубов бизни доимо изланишга, жойларга чиқишга, одамлар орасида бўлиб улар билан суҳбатлашишга, дардларини, муаммоларини ўрганишга ундар эди”.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Б.Эгамқулов қаерда, қайси лавозимда ишлагани, хамиша халқ дардини матбуотта

олиб чиқишга, муаммоларни кўтаришга, уларга ечим топишга ҳаракат қилди. Саксонинчи йилларнинг охирида турмуш ўртоғининг ўлимида айбланиб, узок йилга озодликдан маҳрум этилган аёл унинг мақоласи туфайли озодликка чиққанига гувоҳ бўлганмиз. Бу ўша давр учун катта воқеа эди.

Б.Эгамқулов сўнги йилларда дунёга машхур одамлар ҳаёти ҳақида мақолалар ёзапти, уларда машхур инсонларнинг оилавий ҳаёти, турмушидаги бахтли, қайгули кунлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бу каби мақолалар унинг яқинда чоп этилган “Бахт ярим, қайгу ярим...” номли китобидан ўрин олган.

Яқинда Хабар.uz сайтида унинг мамлакатимиздаги сиёсий партиялар раҳбарлирига очик хати эълон қилинди. Катта журъат билан ёзилган мақола муаллифи партиялар раҳбарлирига тўғридан-тўғри савол беради: “Сиз кўрсатаётган номзодларнингизнинг тили борми, соков эмасми? Депутат, сенатор фақат қўл кўтариш билан шугулланмай, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига алоқадор воқеаларга фаол аралашини, бу йўлдаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишга бор куч ва билимини сарфлашни шарт!”

Унинг кейинги пайтларда ёзган “Қоғозбозлик ҳали ўлмаган”, “Меҳнат мигрантими ёки мардикор”, “Булар майда гап эмас” каби мақолаларида ҳам долзарб масалалар кўтарилган.

Ишончимиз комил, жамиятда эркин фикр айтиш имкони туғилган ҳозирги пайтда ҳали у кўп сўз айта олади. Ҳамкасбимизга тилагимиз, исмингизга яраша Бек ва Яратганга қўл бўлиш бахти сизни асло тарк этмасин.

Ахрор АХМЕДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ҚУТЛАЙМИЗ!

Бахтли, қайгули кунлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бу каби мақолалар унинг яқинда чоп этилган “Бахт ярим, қайгу ярим...” номли китобидан ўрин олган.

САМОНИ ҚУЧҲАЙ ЛОҶИҢ

БОЛАЛАР БЕКАТИ

Яхё ТОҒА



Ушмондаги тарона

– Янграган Саҳар чоғи Не куй бу, Не ашула?

– Алла айтмоқда, Чоғи, Баликларга Ақула?!

Каттақалъа мейхона

– Ёниб куй Эшикни сал, Шундоғам Хона совуқ. Жўжаҳўрозим Касал...

Гудранар она Товуқ!

Баҳмаққанот

Дўстлик қилар Зотиниға, Шу қушчага Бағринг оч.

Бу йил ҳам Бўғотиниға

Уя курсин Қалдирғоч!

Қарғинининг тили

Бургулларга Мос ўзи, Мерганларга Хос кўзи.

Ўйворса-ку

“Қулочин”, Самони қучғай Лоҷин!

Тоқай

Йиртқичлар Туркумнига Қирмиш Яна бир қуш бор.

Ўлжаси

Халқумида, Унга тенг келмоқ Душвор.

Тушсаям

Ит қунига,

Арзу дол

Этмас зинҳор.

Бегонани

Инига Яқин йўлатмас Шунқор!

Шайнинг сақла

Ҳар қушини кек, Викори Ўрмон Ор-номусича. Қадрини Тут юқори Хой, беозор Мусича!

Фарзанд азиз

Зарур Чавандоз учун Эгар, Қамчи, Олақон.

Қарға,

Чумчуқ, Ғоз... учун Азиз эрур Полапон!

Биродарлик

Билинмас Кам-қўстимиз, Юнка тортмас Пўстимиз.

Номи

Ҳар хил бўлса-да, Қушлар Бизнинг дўстимиз.

ҚАРДОШЛАР ЭЪТИРОФИ

“Kitob dunyosi” газетасининг бош муҳаррири, шоира, таржимон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Хосият Рустамова Озарбайжон Ёзувчилар бirlигига фахрий аъзо бўлди.

Бу, албатта, ўзбек ва озарбайжон адабий алоқаларида Х.Рустамованинг фаоллик кўрсатиб келатганининг қардошларимиз томонидан эътирофидир.

Шоира ўқувчиларига “Осмондаги уй”, “Нажот”, “Ридо”, “Девор”, “Август” каби шеърли тўпламлари ҳамда Марина Цветаева, Анна Ахматова ижодидан қилган таржималари билан танилган. Шунингдек, унинг Туркияда “Эртаси йўқ кунлар”, Озарбайжонда “Кўрқинч” деб номланган китоблари чоп этилган. 2015 йили Озарбайжондаги Миконл Мушфиқ номидаги адабий мукофот билан тақдирланган.

Шоира Хосият Рустамова раҳбарлик қилаётган “Kitob dunyosi” газетаси озарбайжон ва ўзбек ижодкорлари ўртасидаги адабий ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келатир.



Туркияда нашр этилди

Кейинги йилларда хоризда, жумладан, Туркияда ўзбек адабиётига қизиқиш кучайди. Ўзбек ёзувчи ва шоирларининг асарлари, адабиётшуносларнинг илмий мақолалари Туркия матбуотида, нашриётларида эълон қилиб борилмоқда. Яқинда таникли адабиётшунос Бобохон Мухаммад Шариф томонидан турк тилида ёзилган ўзбек адабиёти ҳақидаги мақолалар тўплами “Бенгу” нашриёти томонидан “Мушток кўнглиларни оидинлатган адабиёт” номи билан кўп нусхада нашр этилди.

Тўпламдан жой олган мақолаларда адабиётимизнинг атоқли намояндалари ва таникли ижодкорлар Чўлпон, Абдулла Қолирий, Ойбек, Максуд Шайхзода, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Ўткир Хошимов, Матназар Абдулҳаким, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Мухаммад Юсуф, Азим Сунон, Тоҳир Қаҳҳор, Усмон Қўчқор асарлари таҳлил этилган.

Китобда, шунингдек, жаҳон адабиёти намояндалари Чингиз Айтматов, Габриэль Гарсиа Маркес, Бранислав Нушич, Умар Сайфидин, Хусайн Жовид ва бошқа машхур адиблар ҳақидаги мақолалар ҳам берилган.

Мазкур китоб ўзбек адабиёти, санъати, фани ва тарихини чет элларда танитиш, тарғиб қилишга қўшилган муносиб ҳисса бўлди.



Наргиза АРАБОВА, ўқитувчи

“Respublika mulk markazi” MCHJ “Toshkent mintaqaviy filial” бошланғич баҳоси охири тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога “Тугатилган Ангрен шаҳар кўриш материаллари комбинати” ДУКга тегишли, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри Истиклол кўчаси 2-уй манзилида сақланаётган 1. “Ласетти” маркали 10/303 QAA 2009 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, бошланғич баҳоси – 18 897 240 сўм;
2. “UBA NEXIA” маркали 10/403 UBA 2009 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, бошланғич баҳоси – 14 396 946 сўм;
3. “ДЭУ БРАУХАМ” маркали 10/947DBA 2006 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич баҳоси – 5 769 112 сўм;
4. “1085.00.00П” Экскаватор ЭКГ-5А-У т маркали 1982 йил йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, бошланғич баҳоси – 7 270 019 сўм бўлган автотранспорт воситалари кўйилган.

Аукцион савдолари 2019 йил 26 декабрь соат 11:00 да ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2019 йил 24 декабрь соат 17:00. Ав-

тотранспорт воситалари шу кунни сотилган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 3, 9 январь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2019 йил 3 январь савдолар учун 30 декабрь соат 17:00; 2019 йил 9 январь савдолар учун 7 январь соат 17:00 да ўтхатилиди. Талабгорлар за-калат келишув шартномасини имзолаб, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ <<DAVR-BANK>> Бош Амалиётлар Бошқармасидаги ҳисоб рақамга: 2260 4000 8005 7145 2003, МФО:00981, ИНН: 200 933 850 тўлашлари шарт. Бундан ташқари ғолиб бўлганда, қўшимча равишда мулкнинг сотилиш нархининг 5% фоизини “Савдо ташкилотчиси”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беришни ўз мажбуриятига олади. Савдо ғолибига 10 банк кунин ичида сотувчи билан оиди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Аукцион савдолари ўтказилган манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тел: 233-28-52. Расмий сайт: www.rtm.uz. Гувоҳнома: 001805.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани давлат хизматлари маркази томонидан 29.01.2019 йилда рўйхатга олинган (СТПР 306051770) “AKMALHON FAYS TRADE” масъулияти чекланган жамият ТУГАТИЛАДИ.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани давлат хизматлари маркази томонидан 29.01.2019 йилда рўйхатга олинган (СТПР 306053602) “EKO LIGHT BUSINESS TRADE” масъулияти чекланган жамият ТУГАТИЛАДИ.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани давлат хизматлари маркази томонидан 29.01.2019 йилда рўйхатга олинган (СТПР 306052263) “MUHAMMAD SAV DO MAX” масъулияти чекланган жамият ТУГАТИЛАДИ.

Ўзбек миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Тешабой БАЯНДИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати ва жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Тешабой БАЯНДИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси Адҳам ДАМИНнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, профессор, мусикашунос Соибжон Бегматовга акиси Салимжон МАХМУДОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

СЎЗЛАР БИЛАН СЎЗЛАШУВ

«ЎЗИМ»ДАГИ «ЎЗ»ИМ

“Ўз” сўзи катта тарихга эга сўзларимиздан бири саналади. Бу сўзда инсоннинг моҳияти намоён бўлади. Ҳазрат Навоий айтганлар:

Булбуллар олур нолани таълим, агар этса Бог ичра Навоий ўз-ўзи бирла тараннум.

Хўш, Навоий ўз-ўзи билан қандай учрашди ва қандай куйлашди, бундай вазиятда Навоий қошида турган “ўз” ким ё нима бўлади?

“Қадимги туркий тил” китобида: “Ўз асли от бўлиб, у “нафс” ва “жон” маъноларида ишлатилган” дейилади. Маҳмуд Кошғарийда ўз сўзи юрак, ўзак, рух маъноларида келади ва “Девон”да ўз конук ибораси “тавда ичида ҳаракат қиладиган нафс, рух” деб изоҳланади. Қадимги санскритчадан туркий тилга Х асрда таржима қилинган “Олтин ёруқ” асарига “исиг озумин тидгулик” – “иссиқ жонимни фидо қиладиган” деган гап келади. Бунда “ўз” сўзи “жон” маъносида кўриниш беради. “Иссиқ жон” ибораси ҳозир ҳам тилимизда ҳаракатда.

Хуллас, “ўз” сўзининг туб маъноси “ўзак”, “негиз”, “моҳият”, “мағиз” маъноларини англатишини бошқа туркологлар ҳам таъкидлаганлар. Демак, одам “ўзим” деганда нафс ва жонини, ўзаги ва бутун моҳиятини пеш қилишини хис этмоғи лозим. Одамнинг “ўзим”и “ўз”ига муносиб бўлиши керак.

КЎЛИК ВА АВТОМОБИЛ

“Кўлик” сўзи болалигимдан яхши таниш. “Уйда бир кўлик бўлиши шарт”, “Кўлингиз бўлмаса кийин”, “Бир кўлик олишим керак” каби гапларни кўп эшитиб қолардим. Одамларимиз от, эшак қатори қажавали мотоциклини, автомобилани, тракторни ҳам “кўлик” дейишарди. Ҳозирги пайтда бу сўз тилимизда жуда кам қўлланади. Аслида “кўлик” сўзи жуда қадимий сўз. Минг йиллар давомида бу сўз от-улов, юк тортувчи хайвон маъносини англатиб келган. XX асрда келиб, “кўлик” транспорт маъносини ҳам англата бошлаган.

Маҳмуд Кошғарий бу сўзни “кўлук” – юк ортиш мумкин бўлган хайвон орқаси деб изоҳлаган. Юк ортиладиган ва миниладиган туяси бор одамни “кўлүклүк эр” деб атаган. Бу иборага жуда ҳамоҳанг “кўлүклүк жэр” деган бирикма ҳам қадимги тилимизда бўлган ва у “соя жой” маъносини англатган. Шундан келиб чиқибми, А.Вамбери “кўлик” сўзининг пайдо бўлишини кўланка маъносидан “кўлик” сўзи билан боғлайди. Балки бу тахмин кўликки одам напаси бор, сояли одам деган маънода мулоҳаза қилишга ундар, лекин ундан кўра бошқа олимларнинг “кўлик” сўзининг ўзаги “кўл” (“кўл”) “кўнимок”, “ортмоқ” маъносидан келади, деган фарази асослироқ туюлади. Менда яна бир тахмин пайдо бўлди. “Кўлик” дастлаб юк кўтарадиган хайвонга нисбатан қўлланган экан, унда “кўтармоқ” феълдаги “кў” билан “кўлик”даги “кў” ўртасида боғлиқлик бўлиши ҳам мумкин.

Нима бўлганда, ҳар кун автомобильда юрадиган одам онда-сонда ота-боболаридан қолган “кўлик” сўзини эслаб қўйса ёмон бўлмайди.

«КАТТА» СЎЗИНИНГ КАТТАЛИГИ

“Катта” сўзи ўз оти билан катта. У ҳамма сўзларга катталик қилади.

Болалик йилларимдан кишлоқдаги одамлар раҳбар ва амалдорларни “катта” дейишларини эшитганман. Ҳозиргача бу русум бор. Ҳеч ким раис ё хоқимнинг исмини айтмайди, фақат “катта” дейди. Амма-қолалари “Каттажон” дейишади. Эл орасида ҳурмат-иззати балоан қишларини ҳам “катта” дейишади. Одамлар бундай кишиларга мурожаат қилаётганларида ҳам хурмат билан “Катта!” деб мурожаат қилишади. Кишлоқларимизда бобони “катта ота”, момони “катта она” дейишади. Хўш, “катта” сўзининг тилдаги ўрни нечоғли катта? Унинг илдизи қаерлардан сув ичди?

Озарбайжонлик олим Роза Эйвазова “Афғонистонда турк қўқанли топонимлар” номи китобида “катта” сўзи қадим хетт тилида шох, хокон, хукмдор маъносини англатади, деган маълумотни келтиради ва М.Ч. Тахмазовнинг фикрича, “катта” сўзи “сув”, “кўл”, “денгиз” маъноларини англатишини таъкидлаб ўтади. Ҳолбуки, бу сўзнинг “буюк”, “қудратли”, “муқаддас” деган маънолари ҳам бор экан. Таникли олим Мирали Сейидов Василий Радлов қарашларига таянган ҳолда “хета”, “хетайин” қабиласи номини “катта” сўзига олиб бориб тақайди. “Хетай” сўзининг илдизи “хет” – маҳкам, кучли, асосли маъноларида, “ай” сўзи эса, яратмоқ, тангри мазмунида келишини таъкидлайди. “Хетай” сўзи асосида “катта” сўзи бор, деган фараз ўртага ташланади. Бизда ҳам Хитой кишлоқ деган кишлоқлар бор. Лекин бу биз ўйлагандай Хитой давлати билан алоқадор эмас экан-да. Озарбайжон тилида қучлини “таты” дейишади. Баъзи туркий тилларда “катта” сўзининг “кеде” шакли ҳам бор.

Мулоҳаза учун яна бир маълумот: қадимги турк тилларида тоғнинг кун тушиш тарафи, қунгай “кат” дейилган.

Эшқобил ШУКУР

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир
Салим АШУРОВ

Хамқоримиз:
ringo

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Тахририятга келган кўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдураҳим АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақами билан рўйхатга олинган.
Адади - 5659. Буюртма Г - 1155.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси.
Босмахоно манзили:
Буёқ Туран кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 22.00

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-134X